

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ ТИЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК 809.437.5 –

МИРЗАҚУЛОВ Турсунали Ўтаевич

Ўзбек тили морфем
парадигматикаси ва
синтагматикаси масалалари

10.02.02 – ЎЗБЕК ТИЛИ

Филология фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун тақдим этилган
диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 1994

Тадқиқот Хўжанд давлат университети умумий тилшунослик кафедрасида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: филология фанлари доктори,
профессор **А.Бердиалиев**.

Расмий оппонентлар: **Ҳожиёв А.П.**-ЎзРФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор. **Абдуазизов А.А.**-филология фанлари доктори, профессор. **Нурмонов А.Н.**-филология фанлари доктори, профессор

Етакчи илмий муассаса: **Фарғона давлат университети**.

Ҳимоя 1994 йил июн ойининг 24 куни, соат 14⁰⁰ да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тилшунослик институти ҳузуридаги Д 015.31.21 рақамли докторлик илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси бўйича ихтисослашган илмий Кенгаш йиғилишида ўтказилади.

(700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг асосий кутубхонасида (Тошкент шаҳри И.Мўминов кўчаси, 13-уй) танишиш мумкин.

Афтореферат 1994 йил май ойининг 24 куни тарқатилди.

**Ихтисослашган Кенгаш илмий котиби,
филология фанлари доктори**

Умаров Э.А

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва уларнинг долзарблиги

Туркийшунослик ва ўзбек тилшунослиги морфем-морфологик сатҳ бўйича акад. А.Н.Кононов, Н.А.Баскаков, Э.В.Севортян, А.Ғ.Ғуломов, С.Усмонов, А.П.Хожиев, Ш.У.Рахматуллаев каби олимлар томонидан бажарилган йирик /фундаментал/ тадқиқотларга эга. Мазкур тадқиқотларда ана шу сатҳга хос асосий бирликлар-ўзбек ва қўшимчалар, сўз туркумлари ва уларга тегишли грамматик-функционал категориялар атрофлича ўрганилган. Шу билан бирга, умумий тилшунослик асримизнинг 70-йилларидан кейин катта ютуқларга эришди. Хусусан, тил қурилишига сатҳ нуқтаи назаридан ёндашув бир қанча нисбий мустақил соҳа //сатҳ// ларнинг белгиланишига олиб келди. Жумладан, морфемиканинг тил қурилишидаги алоҳида сатҳ ва ушбу сатҳни ўрганадиган фан сифатида эътироф этилиши тилшунослик тараққиётининг қонуний натижасидир. Бунга систем тилшунослик асосчилари-И.А.Бодуэн де Куртенэ, Ф.де Соссюр, Н.С. Трубецкой, Л.Блумфилднинг қарашлари ҳал қилувчи таъсир ўтказди.

Тил сатҳларининг бўлинишига мувофиқ, ана шу сатҳларнинг мазмун томонига ҳам эътибор кучайди ва “нутқ оқими фақат ифода томондан эмас, балки мазмун томондан ҳам дискрет характерга эга бўлган ҳодисадир... тилнинг мазмун плани сегментлари /маънолари/ни ҳам тилнинг асосий бирликлари қаторига киритиш лозим,”¹ –деган муҳим хулосага келинди. Лекин морфемика сатҳига хос бирликларнинг белгилари фанда кейинги йилларда шаклланган усуллар асосида тадқиқ этилганича йўқ. Аҳвол ана шу билан ҳам мураккаблашадики, ўзбек тилшунослигида, туркийшуносликда морфемиканинг объекти, предмети ва мундарижаси, морфемаларнинг турлари, тасниф ўлчовлари каби масалаларда ҳам ҳар хиллик ҳукм суриб келмоқда. Шунингдек, қадимги грек ва латин грамматик анъаналарига кўра, морфема сўз учун ташқи қобик ҳукмида қаралиб келинаётганлигидан, унинг мустақил тил бирлиги мақомидаги моҳияти сўз соясида қолиб келмоқда.

Морфемиканинг мустақил соҳа деб эътироф этилиши унинг бирликларини нафақат морфологик, балки структур-семантик, синтактик-трансформацион, номинатив-ономасиологик, функционал-семантик жиҳатдан ҳам ўрганишни долзарб масала сифатида кун тартибига

I. Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. Тошкент , 1977, 38-б

кўяди. Негаки, ўзбек тилшунослигида морфем бирликларни ўрганиш, асосан, биринчи /морфологик/ босқичда турибди. Мустақил соҳа-морфемиканинг асосий бирлиги морфеманинг мақоми худди фонема, лексема, сўз бирикмаси ва гап мақоми каби мавқени эгаллаши зарур.

Туркийшунослик ва ўзбек тилшунослиги мустақил фан деб тан олинган бўлса-да, у кўп асрлардан бери дастлаб араб, сўнг грек-лотин (европа) тилшунослик анъаналарининг кучли таъсирида бўлиб келди. Акад. А.Н.Кононов: “На араб, на рус грамматик андазалари...туркий морфология ва синтаксиснинг асосий қонунлари билан ҳеч бир умумийликка эга эмас. Узоқ вақтлардан бери қатъийлашган хато ва янглишишларни тубдан қайта кўриб чиқиш вазифаси турибди, коллектив тарзда яратилган бу хато ва янглишишлар коллектив бўлиб тузатилиши керак”,¹ –деб кўрсатган эди. Ҳақиқатан ҳам, грамматик шакл дейилганда туркийшуносликда синтетик сўз андазалари назарда тутилар эди. Бунинг устига, рус олими Ф.Ф.Фортунатов асос солган тор “морфологизм” шакл /форма/ деб сўзнинг қисмларга-асосий ва формал қисмга ажралиш қобилятини мутлақ ўринга кўтарди. Бу қараш туркийшуносликда ҳам ҳукмрон мавқени эгаллади. Ўз-ўзидан туркий тилларга хос бошқа грамматик шакллар-аналитик воситалар, такрорлар, сўз тартиби /айниқса, туб ўзак-сўзларнинг турли ўринларда келиши орқали грамматик маънонинг берилиши/, суперсегмент воситалар эътибордан четда қолди.

“Бизнинг офатимиз шундаки, лисоний тафаккуримиз ҳинд-европа тиллари қурилиши ҳукмронлиги остида бўлиб келди. Ҳинд-европа тилларининг морфологик тафаккури бошқа тилларни ўрганаётган кишига ҳамма нарсани тўсиб қўйган ва у ҳамма нарсани ана шу морфологик тафаккур орқали кўриш имкониятигагина эга бўлган. Бизнинг вазифамиз мазкур таъсир ҳукмронлигидан озод бўлиш ва худди биз ифодалайдиган нарсаларни бошқача ифодалайдиган тиллар борлигини тушунишдан иборат бўлиши керак.”²

Умумий тилшуносликка оид қўлланмаларда туркий тиллар морфемалари бир тусдаги маъно товланишига эга бўлмаган ёрлик /этикетка/ тарзида изоҳланади. Шунингдек, ҳар бир морфемага бир маъно товланиши тўғри келади, морфемалар бирикиши “механик елимлаш” кўринишида бўлиб, фузия ва соддаланиш жараёнлари деярли

-
1. Кононов А.Н Некоторые вопросы дальнейшего развития тюркского языкознания в СССР. «Советская тюркология», 1978, №2
 2. Щерба Л.В О второстепенных членах предложения, Избранные работы по языкознанию и фонетике. Том I, Л. , 1958, с.103

ривожланмаган. Холбуки, ҳар қандай табиий тилда бўлгани каби туркий тиллар, ўзбек тили морфемикаси бирликлари учун ҳам тўла равишда асимметрик дуализм, кўп маънолилиқ, кўп вазифалилик, маъноларининг қоришиқлиги ва синкретиклиги, омонимия, синонимия ва антонимия ҳодисаларининг ҳослиги, фузия ва соддаланишнинг тарихий-семасиологик асосларга эгалиги юқоридаги қарашларнинг юзаки ва бир ёқламалигидан далолат беради. Ана шу бир ёқламалик акад. В.В.Радловнинг гиперагглютинация, акад. А.Н.Кононовнинг фузия ҳақидаги қарашлари орқали тўла рад этилади. Чунки, морфемика ҳам кўп сатхли, кўп қиррали соҳа бўлиб, унинг бирликларини морфосемасиология, морфонология, морфоморфология, морфосинтаксис каби сатҳларда тадқиқ этиш фан ривожининг мантиқидан келиб чиқадиган қонуний талабдир.

Тадқиқотнинг мақсад-вазифалари. Ишнинг мақсади ўзбек тили морфем қурилиши бирликларининг парадигматик хусусиятлари ва уларнинг синтагматик моддийлашувини ўрганишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйдаги вазифалар ҳал этилади:

- морфем парадигматиканинг ўзига хос белгилари, унинг функционал-семантик майдон билан муносабати кўрсатилади;
- морфем парадигматика доирасида морфем айниятлилиқ, морф ва морфема, сўз ва сўз-форма муносабати белгиланади, морф бирликларнинг нафақат сўз, балки сўздан йирик бирликлар учун ҳам моддий-семантик ташкил этувчи сифатидаги мақомига махсус аҳамият берилади;
- морфемалар янги ўлчов асосида дастлаб бош ҳамда ёрдамчи турларга ажратилиб, сўнг уларнинг ички таснифи берилади, хусусан, ёрдамчи морфемаларнинг бир тури /кўмакчилар, ёрдамчи феъллар ва бош./ функционал белгисига кўра сўз ясовчи ҳамда шакл /форма/ ясовчи каби кўринишларга бирлаштирилади;
- бир чизиқли /синтагматик/ йўналишда морфосинтагмаларнинг турлари аниқланади, анъанавий агглютинация назариясининг бир ёқлама ва юзаки эканлиги тегишли далиллар асосида кўрсатилади, морфем валентлик ва уни чекловчи омиллар қайд этилади, морфемаларнинг нутқдаги кўринишлари-морфларнинг иш кўриш майдони, морф, субморф, суперморф муносабати тадқиқ этилади;
- морфем қурилишда семантик ва асемантик бирликларнинг ўзаро ёндош келиши, бир-бирига таъсири, асемантик бирликлар юзага келишининг тарихий сабабларига махсус эътибор берилади;

Морфемикада номутаносиблик /асимметрия/ни белгилаш жараёнида кўп маънолилиқ, кўп вазифалилик, маъноларнинг қоришиқлиги ва синкретиклиги, парадигмадан “узилиш”, транспозиция /конверсия/ каби ҳодисалар текширилиб, содда ва қўшма шакллар белгиланади, аналитик ва синтетик формант тушунчалари илмий муомалага киритилади.

Ишнинг объекти ўзбек тилининг морфем қурилшидир. Морфем қурилиш бирликлари нафақат сўз, балки сўздан йирик бирликлар /сўз бирикмаси ва гап/ учун ҳам моддий ва маъно-вазифа жиҳатидан ташкил этувчи сифатида қаралади. Шу сабабдан, морфемалар юқори сатҳ бирликлари /сўз, предикатив ва нопредикатив тизимлар/нинг таркибий

қисми-шакллантирувчи /конструктив/, маъно-вазифа хусусиятларига асос бўлувчи бирликлар мавқеи ва мақоми билан тадқиқ этилади. Ана шу тизимларда морфемаларнинг уланиш табиати умумий морфемика /морфология/ қамровида синтетик ва аналитик морфемика /морфология/ турларини белгилаш ҳамда ўзаро муносабатда олиб қараш имконини беради. Шу жиҳатдан туркий тиллар агглютинатив-аналитик тиллардир. Ишда далилловчи-кўрсатувчи материал сифатида ҳозирги ўзбек адабий тили, қадимги туркий тил ва эски ўзбек тили, ўзбек халқ шевалари, бошқа туркий тилларнинг мисолларидан фойдаланилади:

Тадқиқотда қўлланилган йўл ва усуллар. Ушбу ишнинг методологик асосини диалектика қонун ва қоидалари ташкил этади. Яхлит бир ҳодисанинг турли қирралари бўлмиш тил ва нутқ умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик фонида олиб қаралади.

Структур-семантик ҳамда функционал-семантик усул талабига кўра, “мазмундан шаклга қараб” йўли танланади. Мазмунни шаклсиз тасаввур этиш қийинлиги ҳисобга олиниб, тегишли парадигматик ва синтагматик андазалар тизимида “шаклдан мазмунга қараб” йўли ҳам асосга олинган.

Маълумки, ҳар қандай объектнинг системалилик хусусиятини аниқлаш унинг бирликларини белгилаш, бу бирликлараро қонуний алоқаларни кўрсатиш ва тавсифлашдан бошланади. Морфемика бирликлари систем-структур нуқтаи назар билан бирга, функционал-семантик, номинатив-ономасиологик, синтактик-трансформацион нуқтаи назардан ҳам тадқиқ этилади. Морфем кўп маънолилик, кўп вазифалилик, синкретиклик ва қоришиқлик ҳодисалари, ўрни билан, компонентли таҳлил усулини ҳам қўллашни тақозо этади. Қайд этилган турли усуллар ва қоида /принцип/ларнинг тўплами ҳозирги ўзбек адабий тили морфем қурилишининг систем-структур табиатини нисбатан тўла идрок этиш имконини яратади.

Тақиқотдаги илмий янгиликлар масаланинг қўйилиш тарзидан келиб чиқади, чунки ўзбек тили морфемикаси систем-структур нуқтаи назардан дастлабки тажриба тариқасида биринчи марта тадқиқ этилмоқда. Ишда ўзбек тилшунослигида илгари қўлланилган “морфемадан сўз ва ундан йирик бирликларга қараб” йўли танланган ва морфема асосий, универсал тил бирликларидан бири сифатида талқин этилган. Шу талқин қуйидаги масалаларни ҳимояга қўйиш заруратини келтириб чиқарди:

1. Ўзбек тили морфемикасининг объекти, бирликлари, мазмуни ва мундарижаси “сўз таркибида морфема” қоидасини ҳам ўз ичига олувчи бош /фундаментал/ қоида- “тил системасида морфема” қоидаси асосида белгиланади.
2. Морфем парадигматика фақат сўз ўзгартиш парадигмасини эмас, балки ушбу системадаги ўзаро шартланган ҳар қандай тўда /класс/ маъносида сўз туркуми парадигмаси, сўз-лексема парадигмаси, грамматик категория парадигмаси тушунчаларини ҳам қамраши керак. Функционал-семантик майдон парадигматик тасвир учун ёрдамчи тушунчадир.

3. Морфем айниятлилик умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик диалектикасига биноан, ҳар бир синхрон босқичда шакл ва мазмуннинг нисбий уйғунлиги, мувофиқлигига асосланади. Морфема ва морф /алломорф/ муносабати, морфларнинг тарқалиш ўринлари шакл ва маъно тенглигини сақлаб қолади. Мазкур тенглик худди луғавий полисемияда бўлгани каби қамров /чегара/да амал қилади.
4. Парадигматика қамровида биринчи марта морфемаларнинг янги функционал-семантик таснифи тавсия этилади: барча морфемалар дастлаб бош ҳамда ёрдамчи турларга ажратилади. Бош морфемалар туб ўзак-сўзлар ва ўзак бўлиб келадиган морфемаларни қамраса, ёрдамчи морфемалар қўшимчалар ва уларга маъно-вазифа жиҳатидан тенг келадиган бирликларни қамрайди.
5. Тил маъно-мазмун сатҳи бирликлари-луғавий маъно, сўз ясаиш маъноси, синтактик маъно қаватланиши /иерархияси/ доирасида морфем маъно барча маъно типларига асос маъно сифатида ўз нисбий мустақиллиги ва мақомига эга бўлган бирликдир.
6. Морфемалар синтагматикаси “жонли” /синхрон/ - ички алоқаларга таянади. Бу алоқалар ҳам тенгланиш ва эргашиш, кучли-кучсиз боғланиш тусида бўлиб, сўз бирикмаси ва гапдаги алоқалар билан ўхшаш /изоморфик/ белгиларга эга.
7. Синтагматика жараёнида семантик ва асемантик бирликларнинг ёндош келиши мазмун ва шаклнинг турлича муносабати, фузион-морфонологик ўзгаришлар, ифода сатҳининг мазмун сатҳига таъсири, морф бирликлар билан бирга, субморф, суперморфларнинг ҳам мураккаб боғланишларини юзага келтиради.
8. Морфем қурилишидаги ўзгаришлар “сўз таркиби узайган сайин қисқаликка интилиш” /В.В.Радлов/ тенденцияси ҳамда фузия /А.Н.Кононов/ қонунияти билан боғлиқ. Мазкур қурилишдаги номутаносиблик /асимметрия/ морфем кўп маънолилик, кўп вазифалилик, синкретиклик ва қоришиқлик, содда ва қўшма морфемалар, аналитик ва синтетик бирликларнинг пайдо бўлиши учун асос, таянч манба саналади.
9. Ўзбек тилшунослиги атамаларни янгилаш ва тартибга тушириш фандаги истиқболли йўналишларга боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак.

Ишнинг амалий қиммати шу билан ўлчанадики, ўзбек тилшунослигида шу кунгача систем-структур усул ва фанда эришилган сўнгги ютуқлар асосида дарслик ва қўлланмалар яратилганича йўқ. Тадқиқот олий ўқув юртлари ва ўрта мактаб она тили дарсликлари учун муҳим дастур, назарий асос сифатида хизмат қилади. Ишда тил системасига хос бош тушунчалар-парадигматик ва синтагматик муносабатлар ва бу муносабаталар доирасидаги қонуниятлар аниқланганлиги туфайли, ушбу тушунчаларнинг амалиётга жорий этилиши морфем бирликлар моҳиятини чуқур идрок этишга олиб келади.

Иш натижаларининг жорий этилиши. Тадқиқот хулосалари туркийшунос олимларнинг Бутуниттифок анжумани /Фрунзе, 1988/даги маърузадан ўрин олган, туркийшунос олимларнинг халқаро анжумани

/Қозон, 1992/ дастурига киритилган. Тожикистон ва Ўзбекистон миқёсида жумҳуриятлар ва минтақалараро ўтказилган анжуман /Тошкент, 1987; Термиз, 1990; Хўжанд, 1990; Самарқанд, 1991; Қарши, 1993/-ларда маърузалар ўқилган, маърузалар мазмуни анжуманлар тўпламларидан ўрин олган. Тадқиқот бўйича 20 дан ортиқ илмий мақола, 2 ўқув қўлланмаси, икки китобдан иборат монография эълон қилинган.

Тадқиқотнинг ҳажми ва тўзилиши. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва шартли қисқартмалар рўйхатидан иборат /ишнинг ҳажми 310 бетни ташкил этади/. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида 340 ном қайд этилган.

ИШНИНГ МАЗМУНИ

Кириш. Ўзбек тилшунослиги қадим анъаналарга эга бўлган, ўз текшириш йўли ва усуллари шаклланган фан тармоғидир. Жаҳон ва европа тилшунослиги ютуқлари асосида XX асрнинг 50-йилларидан кейин бир қанча соҳалар қатори, сўз ясалиши ва морфологияга доир муҳим илмий тадқиқотлар яратилди. Хусусан, проф.А.Ғ.Ғуломовнинг “Ўзбек тили тарихий сўз ясалиши проблемалари” (1. Аффиксация, 1-қисм, от ясовчи аффикслар, Тошкент, 1955) номли докторлик диссертацияси нафақат ўзбек тилшунослиги, балки туркийшуносликда ҳам катта воқеа бўлди. Мазкур ишда сўз ясалиши соҳасининг мустақиллиги асосланиб, унинг умумназарий масалалари атрофлича таҳлил этилди, сўз яшаш усуллари (морфологик, синтактик, лексик, семантик, фонетик усул) моҳияти ва иш кўриш кўлами белгиланди.

Кейинги йилларда ҳам сўз таркиби масалалари бўйича бир қатор ишлар эълон қилиниб, ўша давр фан ютуқлари асосида ўзак ва қўшимчаларга, изоҳ берилган, уларнинг келиб чиқиши хусусида фикр юритилган.¹ шу билан бирга, сўз таркиби доирасига негиз, асос, база каби турли моҳиятга эга бўлган тушунчалар ҳам киритилди.²

Ўзбек тилшунослигида сўзнинг асосий ва формал қисмларга бўлина олиш қобилияти, бу қобилиятнинг тил ва нутққа муносабати, тил шакли масаласи, сўз шакллариининг ишлатилиш хусусиятлари бўйича мукамал тадқиқот яратилди.³ туркийшуносликда ҳам худди шу даврда Э.В.Севортян, А.И.Исхаков, Б.О.Орузбаева каби олимларнинг сўз таркиби бирликлари ва улар билан боғланган ҳодисалар бўйича муҳим тадқиқотлари юзага келди.⁴

1. Фердаус С.Сўз таркиби Совет мактаби, 1955, 4-ва 5-сон; Маърупов З.М. Сўз состави. От ва сифат. Тошкент, 1956; Қосимхўжаева О. Сўзнинг морфологик таркиби. Тошкент, 1963.
2. Қосимхўжаева О. Ўша китоб, 5-бет.
3. Усманов С. Морфологические особенности слова в современном узбекском языке Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. докт. филол. наук, Ташкент, 1964.
4. Севортян Э.В. Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке. М., 1962. Шу муаллиф Аффиксы именного словообразования в азербайджанском языке. М. 1966. Исхаков А.И. Морфологическая структура слова и части речи в современном казахском языке. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. докт. филол. наук. Алма-Ата, 1964. Орузбаева Б.О. Словообразование в киргизском языке. Фрунзе, 1964 ва бошқ.

Жахон фани, туркийшунослик ва ўзбек тилшунослиги эришган ютуқлар сўз ясалиши, морфемика ва морфологияни ўзаро боғланган, шу билан бирга, мустақил соҳада сифатида тан олишга имкон яратди.¹ бу жиҳатдан проф. А.П.Ҳожиёвнинг ишлари диққатга сазовордир. Олимнинг махсус тадқиқотларида сўзда морфем, сўз ясалиш, морфологик сингари уч хил тузилиш (структура) фарқланиши зарурлиги асослаб берилди, сўз яшаш усуллари, уларнинг синхрон ва диахрон табиати кўрсатилди, синтактик шакллар қатори, аналитик, жуфт ва такрор шаклларнинг тил қурилишида катта микдор ва салмоққа эгаллиги, мазкур шаклларнинг ёндош ҳодисалардан туб фарқли белгилари аниқланиб, муҳим илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.²

Морфемика масалаларни янгича маромда текшириш учун проф. Ш.У.Раҳматуллаевнинг ишлари ҳам муҳим қимматга эга бўлди. Ушбу ишларда морфемалар таснифи, негиз масаласи, сўз туркумлари, айниқса, от сўз туркуми ва уларга хос категориялар тадқиқи ўзбек тилшунослигининг мақеини мустаҳкамлади.³

Юқоридаги мавжуд фикрлар асосида морфемика бўйича олиб ўқув юртлари филология факультетлари учун махсус ўқув қўлланмасининг яратилиши ҳам эътиборга лойиқ воқеалардан биридир.⁴

Акад. А.Н.Кононов 70-йилларда акад.В.В.Радловнинг гиперагглютинация қонунини такомиллаштириб, туркий тилларда морфемалар бирикуви “механик елимлаш” тарзида эмаслиги, балки мураккаб шакл ва маъно муносабатига асосланиши, туркий тил морфемаларини “ёрлиқ” каби талқин қилиш мазкур тиллар табиатига мос келмаслигини фузия қонуни тамойиллари асосида исботлади.⁵

1. Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси 2 томлик, 1-том, Тошкент 1975, 2-б.

2. Жумладан олимнинг қуйдаги ишларига қаранг: Сўз яшаш усуллари “Ўзбек тили ва адабиёти” (бундан кейинги-ЎТА), 1975, 4-сон: Сўзнинг морфологик ва сўз ясалиш структураси ЎТА, 1976, 3-сон: Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. Тошкент, 1979: Ўзбек тили сўз ясалиши, Тошкент 1989.

3. Раҳматуллаев Ш.У. От Ўзбек тили грамматикаси, 1-том, Тошкент, 1975, шу муаллиф. Отларда негизлар ЎТА 1971, 1,2-сон: шу муаллиф-Дек.форманти ҳақида ЎТА, 1977, 1-сон. Шу муаллиф. Баъзи фикрларимизга аниқлик киритайлик ЎТА, 1991, 5-сон: Шу муаллиф. Ўзбек тилидаги бир синтактик қурилма ҳақида ЎТА, 1992, 2-сон.

4. Тожиёв Ё, Ўзбек тили морфемикаси. Тошкент. Жумҳурият ўқув-услуб идораси, 1992.

5. Кононов А.Н. О фузии в тюркских языках. “Структура и история тюркских языков” М.1971.

Айни шу йўналишда кўшимчалар шаклдошлиги (М.А.Жўрабоева), маънодошлиги (Ё.Т.Тожиев), кўшма аффикслар (А.Бердиалиев, Т.Мирзакулов), -лик, -ли, -чилик кўшимчалари (К.А.Шарипова), аффиксал ва лексик-аффиксал плеоназм (Н.Маҳкамов) ходисалари ўрганилди.

Тилшуносликда ҳам маълум даврлардаги тараққиёт, талаб ва эҳтиёж туфайли унинг масалаларига бўлган муносабатда ўзига хос илмий ёндашув, парадигма амал қилади. Янги илмий ёндашув ўзбек тилшунослигида дастлаб проф. А.Ғ.Ғуломов, Ф.А.Абдуллаев, М.А.Асқарова, Ғ.Абдурахмонов каби олимлар номи билан боғлиқ бўлса, ана шу олимлар кун тартибига қўйган ғоялар кейинчалик турли даражада проф. Ш.У.Раҳматуллаев, А.П.Ҳожиев, И.Қ.Қўчқортаев, М.Миртожиев томонидан ҳамкорликда ривожлантирилди.

70-йиллардан сўнг жаҳон (рус, герман, роман) тилшунослигида тил бирликларининг мазмун сатҳига эътибор кучайди. Ўзбек тилшунослигида ҳам луғавий семантика (Ш.У.Раҳматуллаев, И.Қ.Қўчқортаев, М.Миртожиев), синтактик семантика (А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Бердиалиев, Р.Расулов, А.Аҳмедов, С.Солихўжаева), систем функционал морфология (Ҳ.Ғ.Неъматов) каби йўналишлар шаклланди.

Морфемика ҳам тилшуносликнинг бошқа асосий соҳалари каби кенг қамровли ва мураккаб бўлганлигидан, ишда унинг парадигматика ва синтагматика тушунчаларига тегишли бош масалаларигина кўриб чиқилди. Биринчи бобда қўйилган масалалар кейинги боблардаги тегишли ходисаларнинг талқини учун назарий асос бўлиб хизмат қилади, шунга кўра мазкур боб ҳажман ҳам улардан фарқланиб туради.

Тадқиқотнинг биринчи боби “Морфемиканинг умумназарий масалалари” деб номланади. Унда ушбу сатҳда парадигматик ва синтагматик муносабатларнинг амал қилиш хусусиятлари, морфемика ва функционал-семантик майдон, морфемиканинг объекти, бирликлари ва мундарижаси, морфем маъно ва унинг белгилари, синтетик ва аналитик морфемиканинг мустақиллиги ва боғлиқлиги (беш бўлим-параграфда) тадқиқ этилади.

1§. Морфемикада парадигматик ва синтагматик муносабатлар.

Бирор фан ёхуд унинг бирор-бир йўналиш шаклланишининг илк босқичида унга хос умумлашган концепция мавжуд бўлмайди. Бу даврда унинг масалалари, чегараси, усуллари ва асосий тушунчалари бўйича ҳар хилликлар ҳукм суради. Морфемика масалаларининг ишланиши ҳам кўп асрлик тарихга эга бўлса-да, унга изчил, системали ёндашув XIX асрнинг охири чорагида юзага келди. И.А.Бодуэн де Куртенэ ўзак, тугама, суффикс, ноль кўрсаткичларни бағрига қамраб оладиган атама-морфемани таклиф этиб, мазкур тушунчаларни муайян қамров-парадигмага бирлаштиришга муваффақ бўлди. Чунки бу қамровга тегишли атамалар умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик муносабатида олиб қаралмаган эди. Ана шу муносабат бутуннинг қисмларга ажралиши ҳамда қисмнинг бутунга бирлашиш жараёнларини чоғиштириш, жойлашув ва алмашув ўринларини аниқлаш имконини яратади. Агар И.А.Бодуэн де Куртенэ горизонтал ҳамда вертикал йўналишдаги муносабатни кўрсатган бўлса, Н.В.Крушевский ушбу фикрларни

ривожлантириб: 1) ўхшашликка кўра боғланиш (ассоциация): 2) ёндошликка кўра боғланиш муносабатларини белгилайди. Ўхшашликка кўра боғланиш йўли билан онгимизда бирликлар “уя”ларга бирлашса, ёндошликка кўра боғланиш товуш, тузилиш, маъно ўхшашлиги асосида ҳар бир морфеманинг ўз “қариндошлари” билан саноксиз алоқаларини таъминласа, иккинчи боғланиш турли бирикмаларда уларнинг ўз “йўлдош” лари билан ёндош келишини таъминлайди.: ўроқ, ўрим, ўриш, ўрмоқ, ўрса, ўргач, ўриб бирикувлари ўр-қисмининг умумийлигига кўра ўхшашлик ҳосил қилса, ишла, оқла, сизла, аррала... бирикувлари –ла қисмининг муштарақлигига кўра бирлашади: кишнамоқ сўзи ёндошликка кўра от сўзини, вовилламоқ, ҳурмоқ сўзлари ит сўзини эслатиб туради: от кишнади, ит ҳурди вовиллади (солиштиринг: от ҳурди, ит кишнади каби ёндош қаторлар ҳам ҳосил қилиш, одатда, мумкин эмас). Худди шундай боғланишлар Ф.да Соссюр томонидан синтагматик ва ассоциатив муносабат деб аталган (кейинчалик Е.Ельмслев ассоциатив муносабатни парадигматик муносабат деб номланган. Бунда ассоциатив боғланишларнинг уч тури фарқланади: тил бирликларининг шакл (формал)) умумийлиги, ўхшашлиги: тил бирликларининг мазмун-маъно яқинлиги; тил бирликларининг ўзаро ҳам шакл, ҳам мазмун ўхшашлиги, умумийлиги асосида гуруҳланади. Биринчи боғланишга ўқи, ўқиш, ўқитмоқ, ўқилмоқ каби бирикувлар киради, чунки уларнинг ўқи қисми умумий; иккинчи турга ўқитмоқ, таълим бермоқ, тарбияламоқ каби бирликлар киради; учинчи турга қирувчи бирликларнинг шаклида ҳам, маъносида ҳам яқинлик, умумийлик бўлади.¹

1. Қаранг: Қўчқортаев И.Ф. де Соссюрнинг лингвистик концепцияси (назария ва метод масалалари). Тошкент, 1976, 23-бет.

Парадигматик муносабат туфайли морфем бирликлар тил эгалари онгида турли тўдалар, гуруҳлар ҳосил қилади, ана шу гуруҳга хос бирликлар танланиш, сайланиш (синтагматик) муносабат туфайли қаторлар ҳосил қилади. Шу билан бирга, парадигматик муносабат бирликларидан ҳоким-тобелик муносабати бўлмайди, синтагматик андозалар тил системасига, уларнинг муайян кўринишлари нутқ системасига тааллуқлидир. Мазкур муносабатлар морфемикада ҳам йирик тўдаларни белгилаш, тасниф этиш, турларга ажратиш, уларнинг умумий ва хусусий белгиларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2§. Морфем-морфологик парадигма ва унинг ўзига хос белгилари.

Морфем-морфологик сатҳнинг ўзига хослигини таъминловчи, “қиёфасини” кўрсатиб турувчи объектив белгиларидан бири морфем-морфологик парадигма тушунчасидир. Тилшуносликда бу тушунча қуйидагича талқинда ишлатилади: 1) бир-бирига қарама-қарши қўйилувчи, шу билан бирга, уларда бирлаштирувчи умумий белгининг мавжудлиги ёки бир хил боғланиш тасаввури (ассоциация) ҳосил қилувчи ҳар қандай тил бирликлари тўдаси; кўпроқ парадигматик муносабатлар билан боғланган тил бирликлари йиғиндиси; 2) ана шу тўла, тўпламни ҳосил қилувчи, ташкил этувчи андаза, қолип; 3) “морфологик парадигма” атамасининг маънодоши-бир сўз формалари системаси.¹

Парадигма тушунчасининг юқоридаги талқинлари орасида учинчи талқин энг қадимги анъаналар билан боғлиқ бўлиб, бир сўзнинг маъно айниятлилигини сақланган, турли шакл кўринишлари тўплами маъносини англатади. Аслида, морфологик тушунча бўлган ушбу атама сўнгги йилларда тилнинг деярли барча сатҳ ва соҳалари-ҳодисаларига ҳам татбиқ этила бошланди. Шунга биноан, муайян маъно, сўз, сўз тўдаси каби бирликларнинг маълум объект ёки ҳодисага мувофиқлиги, мутаносиблигига кўра гуруҳланиши унинг кейинги йилларда юзага келган талқинидир.

Морфем сатҳ доирасида парадигманинг қуйидаги кўринишларини белгилаш мумкин: 1) сўз ўзгартиш парадигмаси; 2) сўз-лексема парадигмаси; 3) сўз туркуми парадигмаси; 4) грамматик категория парадигмаси.²

1. Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990, с.336

2. Яцкевич Л.Г. Морфологическая парадигма как комплексная единица формообразования. “Вопросы языкознания”, 1992, №4

Классик тилшунослик парадигма тушунчаси остида бирор луғавий бирлик /от ёки феъл/нинг ёпиқ тусдаги сўз ўзгариши системасини назарда тутиб, бу ўзгаришларнинг андазаларини белгилар эди. Парадигма, парадигматика тушумчасининг "лингвистик системадаги тўла (класс)"¹ маъносида қўлланила бошлаши тилшунослик уфқларини кенгайтирди, муайян белги асосида қарама-қаршилик ва умумийлик ҳосил қилиш қонуниятини кашф этилганлиги энди парадигма доирасида янги умумлашмаларга йўл очди, парадигма бирликларини турғун (статик) ҳолатда эмас, балки ҳаракат (динамика)да ўрганишга, қонуний ассоциатив алоқаларни белгилашга даъват этди.

Тилшуносликда янгилик сифатида тавсия этилаётган айрим қарашларга кўра, морфем-морфологик сатҳ бирликлари фақат ташқи томондагина мавжуд бўлиб, туб семантика ("глубинная семантика") сатҳига туша борган сари, уларнинг моҳияти ҳам йўқола боради: хусусан, туб семантикада сўз туркумлари амал қилмайди (Ч.Филмор, Ю.Д.Апресян).² Лекин ушбу қарашлар қуйидаги сабабларга кўра асосли эмас: формал-морфологик фарқлар деярли барча ҳолатларда маъно фарқланишига олиб боради, улар ё маъно, ё вазифа фарқланиши учун сигналдир. Ҳозир кенг урф бўлган шакл ва мазмун номутаносиблиги (асимметрияси)ни мутлақ даражага кўтариш мумкин эмас. Негаки, шаклдаги фарқланиш (бу фарқланиш ўхшаш маънони юзага келтирганда ҳам) мазмуннинг турлича талқин топиши учун белги бўлиб хизмат қилади, мазмуннинг ифодаланиш усули, биринчи навбатда, унинг (мазмуннинг) ўзи учун аҳамиятлидир.

Тил сатҳлари парадигматикаси муносабатида морфология барча бошқа сатҳларни ушлаб турадиган "ўзак", "асос" ("костяк)ка ўхшайди. "Морфология" тил кенглиги" ("языковое пространство")нинг марказидир, ва тилнинг табиатини билиш учун, даставвал унинг морфологиясини тушунмок керак.⁴ Нафақат икки ёқлама бирликлар, ҳатто фонологик сатҳ

1. Ельмслев Л. Прологомены к теории языка // Новое в лингвистике .Вып.1, М.,1960.с.289

2. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика (синонимические средства языка) М., 1974, с.24-25.

3. Кубрякова Е.С.Части речи в ономаσιологическом освещении.М.,1978. с. 109-110.

4. Реформатский А.А.Морфология//Очерки по фонологии, морфонологии, морфологии., М.,1979., с. 58

бирлиги-бир ёклама бирлик фонема ҳам “фақат морфологик элементларнинг ниҳоятда мураккаб ўйиндари фониди аниқланади: улар (фонемалар-Т.М.) онгдан чуқур жойда яширингандир, уларга фақат морфология орқали яқинлашиш мумкин, бу йўл эса синтагматика (синтаксис) соҳаси орқали ўтади” (С.О.Карцевский).¹

Кўринадики, морфем-морфологик сатҳни фақат ифода плани мақоми билан чегаралаш ушбу сатҳга хос мазмун бирликларини, сўз шакллари, сўз тўдалари орқали юзага чиқадиган маъно-вазифа қийматини рад этишга олиб келади. Ҳолбуки, мазкур сатҳда ҳам мазмун ва шаклнинг ҳар бир синхрон босқичда нисбий мутаносиблиги (симметрияси)га асосланган парадигматик қуршовлари амал қилади. Ана шу қуршовлар доирасида бош парадигма сўз туркумлари сиестемаеи парадигмасидир.²

Сўз туркумлари системаси парадигмаси конкрет сўз туркумларини қамраб оладиган тушунчадир. Агар сўз туркумлари ва уларга хос кичик парадигмалар (масалан, отларда, сон, эгалик, келишик категорияси) нисбатан қуйи босқич умумлашмалар сирасига кирса, сўз туркумлари системаси парадигмаси ана шу қуйи босқич умумлашмаларга таянадиган, уларни ўзаро муносабатда олиб қарайдиган, юқори босқич парадигмадир. Алоҳида сўз туркумлардаги хос белгилар қай даражада объектив бўлса, юқори босқич парадигма доирасидаги белгилар ҳам шу даражада объективдир.

Ҳар бир тилда, жумладан, ўзбек тилида сўз туркумларига тегишли тасаввур (предметлик ва унинг хоссалари: ҳаракат, ҳолат, миқдор, тартиб, белги, шунингдек, муносабат-алоқа тушунчаси) тарихан шаклланган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган ижтимоий-маънавий маҳсулдир. Шу сабабдан, сўз туркумларининг анъанавий таснифи борлиқнинг ўзида чуқур асосга эга, чунки сўзларнинг тўдалари, билвосита бўлса-да, турли объектлар (предмет ва унинг хоссалари)нинг тилда маълум йўналишда акс этишини кўрсатади. Айни ана шу асосга эга бўлиш, сўз туркумлари таснифида бир неча ўлчовларга таяниш мақбул эмаслигини уқтирувчи назарияларга қарама-қарши ўларок, анъанавий таснифнинг кучли ва ижобий томонини ташкил қилади.³

1. Панов М.В. Русская фонетика. М., 1967, с. 28.

2. Адмони В.Г. Грамматический строй как система построения и общая теория грамматики. М., 1988, с. 114

3. Каранг: Кубрякова Е.С. Части речи в ономазиологическом освещении, М., 1978, с. 114. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. М., 1986.

Сўз туркумлари системаси парадигмаси бошқа қуршов ҳосил қила олмайдиган йирик парадигма бўлса, алоҳида сўз туркуми ва унга хос парадигмалар ўртача, кичик, энг кичик парадигмалар кўринишидадир. Йирик парадигма умумлашган (инвариант) бирлик бўлса, кейинги кўринишдаги парадигмалар ана шу умумлашган бирликнинг турли даражадаги вариантларидир. Шуниси ҳам борки, энг кичик, ўртача парадигмалар ўзига нисбатан юқорида турувчи парадигма таркибига ташкил этувчи сифатида ўрнаша боради.¹

3 § Морфемика ва функционал-семантик майдон

Ҳар бир сатҳ ўз йирик парадигмасига эга бўлиб, ана шу парадигма қамровидаги бирликлар ўз сатҳларига хос белгиларни мужассамлаштирган бўлади. Бирор сатҳ доирасида ушбу сатҳга хос белгиларни тўлиқроқ қамрагани асосий парадигматик бирлик бўлса, қамроқ қамрагани эса асосий бўлмаган парадигматик бирликдир.

Морфеманинг тил системасида яшаш тарзини силсилага кўра “морфема→сўз→сўз бирикмаси→гап” тарзида кўрсатиш мумкин бўлса-да, бу тасвир ўта шартли ва умумий тарздадир. Чунки морфемиканинг юқори сатҳлар, билан туташishi, шу сатҳларга чиқиб бориши фақат сўз орқалигина эмас, балки ундан йирик бирликлар туфайли ҳам амалга ошади. Солиштиринг: юкламалар, кўмакчилар, боғловчилар, шахс-сон, майл, кесимлик кўшимчалари морфема сифатидаги ўз белгиларини сўз бирикмаси, гап тизим (конструкция)ларида намоён қилиб, ана шу тизимларнинг таркибий қисмга айланади. Ушбу морфемаларнинг моҳиятини аниқлаш учун мазкур тизимларнинг нутқий реализациясига мурожаат қилиш кифоя. Бу фикр олмошлар учун ҳам тааллуқли. Чунки олмошлар ўз маъно ҳажмининг кенглиги ва ноаниклиги сабабидан, умумлашган грамматик маънолар билан амалда турли синтактик тизимларни боғлаш вазифасига эга бўлади.

Морфеманинг мақомини белгилашда “морфема-ёрдамчи сўз-содда (тўлиқ маъноли) сўз-ясама сўз-қўшма сўз-сўз бирикмаси-гап” тизмаси муҳим аҳамиятга эга. Бунда морфем бирликларнинг сўз, сўзга ёндош, сўздан йирик бутунликлар таркибида келиш хусусиятини кузатиш имкони пайдо бўлади. Шунга мувофиқ, морфемиканинг бошқа сатҳлар билан алоқадаги кенг манзараси-функционал-семантик майдони намоён бўлади.

1. Бердиалиев А. Ўзбек тили синтактик парадигматикаси асослари. Тошкент, 1991, 10-11-бет.

Ўзбек тилшунослигида морфема дейилганда фақат ўзак ва қўшимчалар тушунилади ва морфемика майдони морфем қисмларга ажраладиган сўзлардан иборат деган қараш ҳукм суради. Агар ўзак сўз ясовчи қўшимча оладиган сўзлардагина белгиланади дейиладиган бўлса, таркибида қўшимчаларнинг бошқа тури мавжуд бўлган сўзлардаги асосий қисмини ўзак мақомида қараш мумкин бўлмай қолади. Натижада морфемика тушунчасининг кўлами-майдони янада тораяди. Унда жуда кўп морфем бирликлар бу майдон ташқарисида сунъий тарзда қолиб кетади. (Ушбу бирликлар ҳақида кейинги бўлимга қаранг). Барча тегишли бирлик ва ходисалар ҳам морфемикада ўз ўрни ва изоҳини топгандагина, тил қурилишидаги сатҳлардан бири-морфемика ҳақида нисбатан, тўлиқ тасаввур ҳосил қилган бўлардик. Ана шу бириклардан туб “ўзак-сўзлар”, ўзак ва қўшимчалар, ноль морфемалар, аналитик шакллар морфемиканинг марказий бирликлари мақомидаги ходисалар саналса, бошқалари унинг периферик мавқедаги бирликларидир.

Турли морфем тўпламларнинг ўз маъно ҳамда функцияси юзага чиқишида суперсегмент бирликлар ҳукмидаги фонологик воситалар муҳим ўрин тутди. Бу воситалар: фонемаларнинг маъно ўзгартириш вазифасидаги алмашинуви, урғу ва тон ўзгаришлари, морфема-такрорлар; сўз бирикмаси ва гап доирасида амал қиладиган воситалар-сўз тартиби ва интонация. Мустақил сўзнинг ёрдамчи сўзга айланиш жараёнидаги урғунинг йўқолиши ёки кучсизланиши ҳам морфема-операцияга киради.¹ “Тил товуш томонининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳатто соф акустик ҳолат /интонация, урғу, ритм/информацион, сигнификатив ёки бирор даражадаги мазмун /нагрузкаи/ни ташийди. Тил фаолиятининг товуш томонини миқдор жиҳатдан тадқиқ этганда ҳам мазмун жиҳатларидан чалғиш, тўла узоқлашиш қийин”.²

Фикримизча, морфемика майдонига ҳамма фонологик воситаларни змас, фақат морфем-морфологик қийматга эга бўлган фонологик воситаларнигина киритиш ўринлидир. Синтактик қийматга эга бўлган воситалар – оҳанг, сўз тартиби, пауза, мантикий урғу кабилар улар иш кўрадиган сатҳ-синтаксисда ўрганилгани маъкул.

1. Маслов Ю.С. Введение в языкознание. М.,1967,с.139-143.

2. Комлев Н.Г. Компоненты содержательной структуры слова. М.,1969, с.65

Бунда шунга асосланиладики, ҳар бир сатҳ учун, жумладан, морфемика учун хизмат киладиган фонологик воситалар алоҳида олиниб, уларнинг сегментлар билан муносабати маъно-мазмун сатҳи бирликлари реаллашувида ифода сатҳи воситаларнинг иштироки нуктаи назаридан қаралиши мақсадга мувофиқдир. Чунки фонетик-фонологик сатҳ билан боғланмаган бирор бошқа сатҳнинг бўлиши мумкин эмас.

Демак, морфем маъно ҳамда вазифанинг юзага чиқиши жараёнини нисбатан кенгроқ “уфқ”- панорамада кузатмоқчи бўлсак, ушбу сатҳнинг фонетика-фонология, лексикология, морфология, сўз ясалиши, синтаксис билан боғлиқ томонлари, туташув нукталари, ана шу сатҳларга хос воситаларнинг морфемика бирликлари билан функционал-семантик “эшдош”ликда маълум парадигматик майдонлар ҳосил қилиш. хусусиятларини ҳам ўрганиш зарур.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, тилшуносликда “майдон”/лексик; лексик-грамматик; семантик; морфосемантик; ассоциатив; грамматик; функционал-семантик майдон / ҳамда “парадигма”, “парадигматика” тушунчалари фаркланмаган ҳолда қўлланилаверади. Фикримизча, “майдон” тушунчаси бир умумий мазмун ёки шакл ўхшашлиги асосида турли сатҳларга тегишли бирликларнинг функционал-семантик бирлашувини акс эттирса, “парадигма” ёки “парадигматика” муайян сатҳда, биринчи навбатда, шу сатҳга тегишли асосий бирликка хос шаклларнинг бирлашувини акс эттиради. Морфем шакл ёки маънонинг турли тармокланиши морфемика сатҳи доирасида, ўрни билан, бошқа сатҳларга хос воситаларнинг ҳам қўлланилишига имкон яратади. Шу сабабдан, “майдон” тушунчаси парадигматик алоқаларни тасвирлашда қўл келувчи ёрдамчи воситадир. Иккинчидан, ушбу тушунча морфемиканинг ёндош сатҳлар билан алоқаси, туташ зоналарнинг хусусиятини парадигматика доирасида ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Парадигматика билан “майдон” тушунчалари лингвистик таҳлил нуктаи назаридан ҳам фарқ қилади. “Майдон” нуктаи назаридан масалага ёндашилганда, у тилнинг бир неча сатҳ ҳодисаларини туташтириб, улар орасидаги фарққа чек қўяди; парадигма эса бир сатҳ доирасида бўлиб, сатҳлараро чегарани сақлайди. “Майдон” функционал тилшунослик принципи саналса, парадигматика формал тилшунослик принципи саналади. Бундан ташқари, “майдон” тушунчаси нуктаи назаридан ёндашув ономасиологик жараёнга туртки бўлса, парадигма нуктаи назаридан ёндашув семасиологик жараёнга турткидир. Лекин шуниси ҳам борки, бу икки нукта, бари бир, семантика қамровида яна туташади.

4 § Морфемиканинг объекти, бирликлари ва мундарижаси

Ўзбек тилшунослигида ҳам шу кунгача морфемика камровидаги масалалар сўз состави, сўз таркиби, сўзнинг морфологик тузилиши тушунчалари билан тор доирада ўрганилди, бошқа морфем бирликлар, ҳам ядрога, ҳам периферияга тааллуқли ҳодисалар тадқиқот объектидан четда қолди. “Сўзларнинг морфологик структураси, яъни уларнинг морфемаларга бўлинишини ўрганувчи еоҳа морфемика деб аталади” тарзидаги таъриф ўзбек тили грамматикасига доир деярли барча дарслик ва қўлланмаларда учрайди. Бундай тушуниш аслида морфемиканинг моҳиятини йўққа чиқаради, бу анъанавий морфологиянинг сўз таркиби ҳақидаги бўлимини янги ном билан аташдан бошқа нарсаси эмас. Айрим фикрларга кўра, лексик маъно англатиб қатнашадиган кисми морфема деб эмас, балки лексема деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади... Сўз-форма учун қурилиш материали сифатида лексема билан морфема хизмат қилади.”² Бундан кўринадики, морфемика ихтиёрида фақат аффиксал-грамматик секторгина қолдирилади. Ж.Вандриес ҳам морфема билан ёнма-ён семантема терминини қўллаб, уни лексик бирликларга хослаган эди.³ Аслида “Морфемика сўзнинг неча морфемадан ташкил топишини ўрганмайди, балки морфемаларнинг турни,ҳар бир турга хос хусусиятларни ўрганади”⁴. Негаки, морфемика ва унинг объекти синхрон-систем аспект асосида белгиланар экан, у маънога эга бўлган элементар бирликларнинг махсус, ўзига хос типларн-морфемалар ҳақидаги таълимот деб қаралиши керак.

-
1. Қаранг:Маъруфов З. Сўз состави. От ва сифат. Тошкент, 1956; Қосимхужаева О. Сўзнинг морфологик таркиби. Тошкент, 1963; Усмонов С. Хозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши. Тошкент педагогика институтининг илмий асарлари. 42-том,1-китоб,, “Тилшунослик масалалари”.Тошкент,1963,
 2. Рахматуллаев Ш. Семема-мустакил тил бирлиги. ЎТА 1984, 5-сон, 17-18 б.
 3. Вандриес Ж. Язык М 1937, с 9
 4. Ҳожиев А.Сўзнинг морфологик ва сўз ясалнш структураси ЎТА , 1976, 31-36 бет.

Бу хил тушунига кўра фонология тил фанида қандай ҳуқуқ ва мавқега эга бўлса, морфемика ҳам тилшуносликнинг ана шундай ҳуқуқ ва мавқега эга бўлган мустақил соҳасидир: агар фонология фонема ҳақидаги таълимот бўлса, морфемика морфема ҳақидаги таълимотдир.

Морфемиканинг асосий масаласи, албатта, унинг бирликларини белгилаш масаласидир: сўз таркибида "ўзак" ва аффиксдан бошқа тушунча йўқ" деб қаралса-да", морфема тил системасида, "морфема функционал-парадигматик системада" принципига таяниш морфемика объектига шундай бирликларни киритиш имконини беради: 1) ўзак ва қўшимчалар; 2) қўшимчаларга маъно-вазифа жиҳатидан тенг келувчи бирликлар: от ва феълдаги кўмакчилар, тўлиқсиз феъллар, аффикс-юкламалар, сифат ва равишдаги энг, жуда типидagi формалар, қил, эт, айла, бўл; де феъл формалари, аффиксоидлар; 3) туб "ўзак сўзлар"; 4) ноль морфемалар; 5) "хамелеон" морфемалар: чой-пой, нон-пон, мева-чева типидagi такрорларда иккинчи қисм; 6) суперсегмент воситалар, урғу, унлининг чўзилиши, геминация каби воситалар оркали морфем материалда фарқнинг юзага келиши; 7) такрор-редупликатив шакл қисмлари: бора-бора, кип-қизил кабилар; 8) боғлаш, бириктириш, маъно ва вазифани кучайтириш ғоясини ташувчи элементлар: китоб+//и// м формасидаги -и-, деярли /де-й-ар-ли/ формасидаги -й -, -га қадар /уйга қадар формасидаги -га/, -кулиб юбор формасидаги -и/б-, "айта сол формасидаги -а-; қаричилик, одамгарчилик ясалмаларидаги -чи, -гар типидagi элементлар –субморфлар; 9) қолдиқ материал, "қотган" формалар: дўнгса сўзидаги -са, ўсимлик, боргудек, боргим кел- формасидаги -им -, -гу -, бомбардимон сўзидаги -р -димон каби элементлар.

Ўзбек тилшунослигида шу кунгача морфемика объектига синтетик морфемалар -ўзак ва аффиксларнинг тўплами киритиб келинди. Аффиксация турли маъноларни ифодалашнинг қисқа ва ихчам усули бўлганлигидан, сўз ҳамда форма ясалиши дейилганда, биринчи навбатда, аффиксал

ясалиш гавдаланади. Бу тасаввурнинг мустахкамланишига европа грамматик анъаналари асосида тузилган ўрта ва олий мактаб грамматикалари ҳам ўз ҳиссасини қўшган, лекин тил системасининг табиати бир мунча бошқача манзарани ҳам кўрсатади. Туркий тилларда грамматик маънони ифодалашнинг аналитик воситалари кенг тарқалган. Улар келишик, замон, модаллик, майл каби маъноларни ифодалашда қатнашади;¹ шунга биноан, туркий тиллар агглютинатив–аналитик тиллардир. А.А.Юлдашев, Н.Оралбаева, А.П.Ҳожиевларнинг бу соҳада яратган йирик тадқиқотлари шундай хулосага олиб келди: туркий тиллар сўз ҳамда форма ясалишини аналитик формаларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунга кўра, морфемикада бундай формалар ҳам ўз ўрнини топиши, уларнинг маъно ва вазифалари илмий ёритилиши зарур бўлади.²

Синхрон жиҳатдан ўзбек тили морфемикасининг мундарижасини куйидагича белгилаш мумкин: 1/ морфемалар, уларнинг семантик-функционал, структур, дистрибутив в.х. классификацияси; 2/ морфемикада парадигматик ҳамда синтагматик муносабатлар. Вариант ва инвариантлик. Морфема ва морф муносабати; 3/ морфосемасиология Морфем маъно ва унинг типлари. Морфем маъно вариацияси; 4/ морфонология. Морфемада ифода планининг вариацияси. Морфонологик жараён ва ҳодисалар. Морфема ва морфларнинг фонетик-фонологик тузилиши; 5/ морфоморфология. Сўз туркумлари ва туркумлара роҳат ва сўз ясалиши, конверсия-транспозиция ҳодисасининг умумий белгилари; 6/ морфосинтаксис, унинг морфемаларнинг ўринлашиш тартиби билан муносабати.

5 § .Морфем маъно ва унинг ўзага ҳос ҳусусиятлари.

Фан тарихида морфем маънолар умумий ном билан грамматик маънолар қамровида ўрганиб келинган. Тил қурилишини тадқиқ этишдаги аспектлашув дастлаб лексик ҳамда грамматик воситаларнинг

-
1. Ганиев Ф.А. Образование сложных слов в татарском языке. М., Наука, 1982, с.4
 2. Ҳожиев А., Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили ва унинг ўрганишнинг актуал масалалари. ЎТА, 1982, 5-сон, 10-бет.

белгиланишига ва ўз-ўзидан, бу воситаларнинг бир-биридан узоқлашувига, ҳатто чекка қутб элементлари каби тасаввур қилинишига олиб келди.

Маъно типларидан лексик маъно асосий, грамматик маъно қўшимча маъно деган ҳукм аксиома даражасига кўтарилди. Грамматик талқинлардаги "ҳақиқий ҳамда формал маъно" /Ф.Ф.Фортунатов/, "формал ҳамда семантик қиймат" /С.О.Карцевский/, "грамматик ҳамда лексик маъно" /В.Виноградов/ тушунчаларининг бўлиниши "лексик маъно лексикологияда, грамматик маъно грамматикада ўрганилади" қабилидаги фикрларни юзага келтирганлиги бежиз эмас, албатта.

Тилнинг ҳар бир сатҳига хос маънолар шу сатҳга тегишли бирликларнинг тил системасидаги ўрни ҳамда вазифасидан келиб чиққани каби, морфем бирликларнинг мазмун томони ҳам уларнинг тил системасидаги тутган ўзига хос ўрни ва вазифасига кўра белгиланади. Чунки тил табиати билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда тасниф принциплари учун асос бўладиган фарқланишлар фақат синтагматик ва ассоциатив-парадигматик муносабатларда аниқланиши мумкин.¹ Ана шу муносабатлар асосидагина морфем система бирликлари ўз бош парадигмалари қамровида автоном универсал бирлик сифатида намоён бўлиб, тил системасида ўзига хос бирламчи маънолар кашф этади, ўз семантик қиёфасига эга бўлади. Бу босқич доирасида морфема энг кичик, минимал, лекин юқори даражада абстракт маъноли бирлик сифатида ажралади. Уларнинг семантик системаси ғоят умумлашган, онгда "учқунланиб турадиган", имконият характеридага маъноларни қамрайди.

Морфемалар маъноси хотирада маълум ассоциатив-сигнификатив хусусият билан гавдаланса-да, унинг бирликлари /морфем тўплам/ лексик бирликлардан фарқ қилади. Бу бирликлар экстралингвистик ҳодисалар саналувчи денотатлар билан бевосита

1. Соссюр Ф. де Курс общей лингвистики. Труды по языкознанию. М. 1977 с 131

боғланмайди. Айни шу хусусиятга кўра, морфем бирликлар номинация ва предикация жараёнларига нисбатан периферияда турувчи ходисалар саналади. Лекин, шунга карамай, морфем бирликлар ўзига хос муҳим функцияга эга: улар /хатто аффиксал морфемалар ҳам/ таниб олиш вазифасини /опозновательная функция/ бажаради¹.

Морфем маънонинг муайян қиёфадаги морфлар воситасида иккиламчи маъно касб этиш хусусияти нутқда намоён бўлади. Номинация ва предикация талаби билан зарур бўлган вақтда мавхум субстанция характеридаги тайёр морфем қурилмаларнинг маълум изчилликда келиши морфемага хос маъно тузилиши элементларининг мураккаб қатламланишини юзага келтиради.

Бошқа томондан эса, бирор сатҳ бирликлари муносабатидаги семантик алоқадорликни системада кўрсатиш эҳтиёжи учинчи ўлчов-эпидигматика ёки батизматикани яратди.

Ҳар бир маъно тип ўзига хос умумлашган инвариант бирлик саналса-да, батизматик боғланиш /маъноларнинг қатламланиши/ қонуний диалектик алоқадорликни белгилашга хизмат қилади: унда тил бирликлари сатҳларга кўра юқорилаб борган сари, маъно типларида тобора конкретлилик, алоҳидалик, хусусийлик белгиси кучая боради. Шу сабабдан ҳам конкретлилик гап семантикасида сўз /номинатив-лексик бирлик/ семантикасига нисбатан, сўз семантикасида морфем семантикага нисбатан кучлидир. Маъно типлариаро фарқланиш уларнинг бир-бирини тамомила инкор этиши ёки чекка кутблар сифатида қарама-қарши қўйилиши тасаввурини бермаслиги керак. Чунки лексик маъно ўз қиёфасига эга бўлиш учун, албатта, грамматик маънога таянади, лексик маъно грамматик маъно таркибида яшайди. Шу маънонинг конкретлашувини

-
1. Кубрякова Е.С. Основы морфологического анализа. М., 1974 с.165
 2. Лексик семантика доирасида бу муносабат Д.Н.Шмелев томонидан белгиланган. Қаранг: Шмелев Д.Н. О третьем измерении лексики. "Русский язык в школе". 1972, № 1. Грамматик семантика доирасида шунга ўхшаш муносабат В.Г.Адмони томонидан батизматика деб номланади. В.Г.Адмони Грамматический строй как система построения и общая теория языкознания Л. Наука, 1988, с 41- 42.
 3. Қаранг: Вайнтрауб Р.М. Семантика морфемы и семантика слова // Актуальные проблемы общей семантики и семантики русского языка. Тезисы докладов. Ташкент, 1988, с161

ўзида акс эттиради. Бундай хусусият морфем системанинг ўз доирасида ҳам кузатилади. Бирор андаза /синтетик, аналитик, жуфт, такрор форма/ типиклашган, тил эгалари онгида боғланишлар ҳосил қилувчи маъноларнинг ифодаланиши учун тарихан шаклланган морфем-грамматик майдон, қоида, формулалардир. Шунга биноан, ўзбек тилида маълум семантик-парадигматик ўлчовлар асосида морфем маънонинг дастлабки типи -сўз класс /сўз туркуми/лари маъноси энг умумлашган, умумкатегориал маъно сифатида гавдаланса, инсон тажрибаси ва эҳтиёжини объективлаштириш талаби билан яратиладиган ва сўз яшаш моделлари /синтетик ясалмалар, турли композиталар/да рўёбга чиқадиган маъно кейинги-иккинчи тип маъно сифатида характерланади.¹ Синтетик сўздаги "ички синтагма" /С.О.Карцевский/ланиш маъно типининг яна янги бир турини ҳосил қилади. Туб ёки ясама сўз характеридаги асосга, морфем блокланиш формуласига мувофиқ, функционал-грамматик аффиксларнинг қўшилиши билан умумкатегориал маъно ва унинг махсус бошқа хусусий маънолари ёнига шу туркумнинг функционал-морфем маъноси қатламланади. Бу маъно типи сўз туркуми маъносидан кенг бўлиб, моддий-лексик асосдаги маънодан анча узоқлашганлиги билан алоҳидалик касб этади. Агар сўз ўзаги-ўзак морфема ўз маъно тузилишида максимум даражада моддий маъно, минимум даражада грамматик маъно ташиша, функционал-грамматик аффиксларнинг қўшилиши билан ана шу моддий маънонинг турлича лексик ҳамда грамматик модификациялари ҳосил бўлади: бунда гўё /ғоя моддий асосдан ёғдуланади" /В.И.Дорошевский/.

Ички синтагмадаги бинар-оппозитивлик сўз ўзгартирувчи аффикслар-тугамалар қўшилиши туфайли умумлашган маънонинг энг юқори, олий типини онгимизда гавдалантиради. Бу маъно типи

-
1. Бу маъно лексикага йўналган маънодир. Лекин у лексик маънодан фарқ қилади. Бу икки тип маънонинг фарқлари Е.С.Кубрякова, В.И.Лопатин, М.С.Улуханов каби олимларнинг ишларида ёритилган. Ўзбек тилшунослигида композиталар, айниқса, жуфт ва такрор композиталар маъноси ҳақида бир хиллик йўқ. Бу маъноларни сўз ясалиш маъноси, морфем маъно деб талқин қилиш маъно типлари моҳияти тегишли даражада аниқланмаганлигининг иатижасидир.

сўзнинг грамматик яхлитлигини таъминловчи маъно типи сифатида юзага чиқади.¹

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, маъно типларининг қатламланиши устма-уст тушиш, "каватланиш" характерида бўлмай, ворисийлик, бир-бирини қисман такрорлаш, онгда синтезланиш ва қисмларга бўлиниш каби мураккаб жараёнлар маҳсулидир. Шунингдек, маъно типлари бир давр маҳсули бўлмай, тарихан шаклланувчи мантикий грамматик концептлардир. Ҳар бир давр кишилари онгида генетик маънолардан ўсиб чиққан реал маъно типларининг ўзига хос ядроси /маркази/ ва периферияси мавжуд бўлади. Ядро /марказ/ га хос маънолар фаол, мунтазам андазалар возитасида, периферик маъно типлари эса фаол бўлмаган андазалар воситасида нутқ фактларига айланади. Кейинги маъно типлари диахрониянинг синхрониядаги "қолдиғи" /бу бадий асарларда тарихий колоритни бериш мақсадида атайин тикланиши ҳам мумкин/ тарзида ёки энди тикланаётган, окказионал, диалектал ҳамда билингвиал характерда кўринади.

Ҳар бир тип морфем маъно семантик тузилишида ҳам таянч ва йўлдош семалар /Н.И.Толстой/, архисема /ядро/, дифференциал ҳамда потенциал сема /В.Г.Гак/ муносабатларини белгилаш мумкин бўлса, морфем маъно типлариаро силсила муносабатларида эса бирламчи ва иккиламчи маъно боғланишларини тасвирлаш ҳам ўз ономасиологик-лингвистик асосига эга. Сўз туркумларига хос предметлик; ҳаракат, белги каби маънолар сўз туркуми бирлигини сақлаб турувчи умумкатегориал фон бўлиб, тилда соф ҳолда намоён бўлмайди. Бу маъноларнинг табиатини тарихий йўналишда тиклаш мумкин. Ўз навбатида, айти шу маънолар бирламчи маънолар бўлиб, конкрет тилда тарихан таянч маънолар сифатида шаклланган. Худди шу таянч маънолар асосида иккиламчи маънолар, жумладан.

1. Морфем маъно типларини белгилашда проф. Н.А.Баскаковнинг сўз морфем тузилиши ва ундаги маъно иерархиясини белгиловчи концепциясига асосландик. Қаранг: Баскаков Н.А. Историко-типологическая морфология тюркских языков М.: Наука, 1979, с. 122, 125, 132, 134.

Индивидуал – лексик маънолар ҳам шакилланади. Кейинги тип маънолар – иккиламчи маънолар ҳар бир тилда синхрон жихатдан моделлаштирилиши мумкин бўлган ҳодисалардир¹.

Туркийшунослик, ўзбек тилшунослигида маъно типларини моделлаштиришда шундай йўл ҳукмрон мавқени сақлаб келмоқда: синтетик сўзда икки – лексик ҳамда грамматик сектор белгиланади: грамматик сектор элементлари ажратиб олинганидан сўнг қолган элемент “материал қисм” /В.А.Богородицкий/, “лексик асос” /Э.В.Севортян/ ҳисобланади. Бу қисм формал ўзгаришларга нисбатан бефарқ бўлиб, маъно қиёфасини ўзгартирмайди. Ушбу бўлакраниш натижаси шунга олиб келадики, тил мазмун сатҳидаги алоқадорликка зид ҳолда, категориал-грамматик маънолар таркибидан лексик семалар, лексик маъно таркибидан грамматик семалар чиқариб ташланади. Лексик маъно идеаллаштирилиб, “асосий маъно”, грамматик маъно шу асосий маънога орттирилган “қўшимча йўлдош маънодир”, -деган метафизик ҳулоса келиб чиқади. Аслида лексик маъно умумийлик, алоҳидалик, хусусийлик диалектикасида индивидуал – номинатив характерга эга бўлган ҳодисадир. Юқорида кўрганимиздек, бу маъно ҳам умумкатегориал маънолар таркибида яшайдиган маънонинг махсус бир кўринишидир, холос.

5 §. Синтетик ва аналитик морфемика муносабати Туркий тиллар азалдан синтетик шакллар қатори аналитик, такрор ва жуфт шаклларга бой бўлса-да, асосий эътибор синтетик сўзларга қаратилди. Туб ўзак-сўзлар, вазифа-маъно алмашинуви туфайли “қурилиш материали” бўлиб келадиган турли бирликлар /ёрдамчи морфемалар, нисбий сўзлар/ морфемика сатҳига тааллуқли бўлмаган ҳодисалар тасаввури билан қабул қилиб келинди. Муҳим қийматга эга бўлган бирликлар-қўшимчаларнинг иш кўриш доираси кенг бўлишига қарамай, уларнинг амалиёти синтетик сўз доираси билан чегаралаб қўйилди. Негаки, флектив морфологияни мутлақ даражага кўтариш, грамматик шакл билан флектив шакл орасига тенглик белгиси қўйиш тасаввури гўё бошқа тиллар шаклсиз /аморф/

1. Кубрякова Е.С. Части речи в ономаσιологическом освещении. М.:Наука,1973, с.51-63.

деган хулосага олиб келганки. эски авлод тилшунослари амалда ана шу тасаввурдан кутула олмаётирлар.¹

Ўзбек тилида ҳам синтетик сўзни ўрганадиган “классик морфология” (морфемика) ёнида алоҳида шаклланган бирлик-аналитик сўзни ўрганадиган “функционал морфология //морфемика” (А.М.Мухин), аналитик морфология /С.Д.Кацнельсон/ белгиланиши зарур. Негаки, аналитик шакллар ҳам тил бирликларининг таркибий қисми бўлиб, уларнинг “фаолияти” учун синтетик сўз доираси торлик қилиб қолади.

Синтетик воситалар-қўшимчалар функционал-коммуникатив жиҳатдан туб сўз, содда, ясама сўз, қўшма сўз, сўз бирикмаси ва гап учун нафақат моддий-семантик, балки шакллантирувчи, уюштирувчи вазифани ҳам бажаради. Ана шу хусусиятга қараб, қўшимчаларни луғавий (лексик) бирликлар ҳамда синтактик бирликлар доирасида иш қўрувчи каби икки турга ажратиш мумкин. Биринчи турга ясама сўз ҳосил қилувчи, яъни сўз ясовчилар ва синтактик бўлмаган қўшимчалар, иккинчи турга синтактик моҳиятга эга бўлган қўшимчалар мансуб бўлади. Ўз навбатида, синтактик шакллар предикатив ва предикатив бўлмаган бирликларии шакллантирувчилар каби икки кўринишга ажратилади. Натижада синтетик шакллар: 1) сўз ясалиши парадигмаси аъзолари; 2) морфологик парадигма аъзолари; 3) синтактик парадигма аъзолари мақомига эга бўлади.

Ёрдамчи морфемалар ҳам маъно-вазифасига кўра, уч турга бўлинади: 1) сўз ясовчилар -такдим қилмоқ, рухсат этмоқ ... каби қўшилмалардаги қил, айла, эт, бўл, де каби бирликлар; 2) сўз қўшувчилар /словосоединительные/ қалам билан, иш тўғрисида, укаси учун каби бирикувлардаги билан, тўғрисида, учун қўмакчилари; 3) модал бирликлар -кела олмоқ, келмоқчи бўлган, ўта ялқов, ғирт ёлғон каби шакллардаги ол, бўл, ўта, ғирт каби бирликлар кенг маънода модал шакллардир.²

-
1. Кацнельсон С.Д. О грамматической категории //Общее и типологическое языкознание Л., 1986, с. 110.
 2. Закиев М.З. Введение в татарскую морфемику. //“Вопросы структуры татарского языка”. Казань, 1986, с.12-13.

Ишининг иккинчи боби “Морфем парадигматика масалалари” морфем айниятлилиқ, морфемалар таснифи, уларнинг функционал-семантик хусусияти, қўшимчаларга вазифадош бирликлар сингари тўрт қисми ўз ичига олади.

I §. **Морфем айниятлилиқ** муайян морфема морфлари ва вариантлари ўртасида мазмун ҳамда шакл тенглиги, яқинлиги бўлишини тақозо этади. Морфема инвариант бўлса, морфлар вариант бирликлардир. Инвариант бир турдаги предмет ёки ходисалар тўдасида нисбатан объектив тарзда мавжуд бўлган умумлашма хоссадир, вариант ана шу хоссани ташиб келадиган бирлик саналади. Улар орасидаги муносабат умумийлик, хусусийлик алоҳидалиқ диалектикасини акс эттиради. Ўзбек тилшунослигинда морфема вариантларидан бири (масалан -га, -ка, -қа жўналиш келишиги шакллари муносабатида -га қўшимчаси) асосий шакл, қолганлари шу шаклдан ҳосил бўлган деган қараш кенг тарқалган. Ҳолбуки, ҳар бир шакл ўз қўлланилиш ўрни, нисбий мустақиллигига эга. Ишда морфемика доирасида синхрон ва диахрон вариант-инвариантлилиқ, морфема ташқи ва ички (мазмун) томонидаги вариантлилиқ алоҳида, шу билан бирга, ўзаро зич боғланган ҳодиса мавқеида тадқиқ этилади. Шунта биноан морфема ташқи томонидаги морфонологик ўзгаришлар: а) мазмун сатҳига таъсир ўтказмайдиган; б) мазмун сатҳига таъсир ўтказадиган деб икки турга ажратилади.

Бир морфема алломорфлари доирасида одатдаги морф поғонасидан қуйроқ мавқени эгаллайдиган бирликлар квазиморф, субморф, суперморф деб номланади.

2 §. Морфемалар таснифи ҳақида. Морфемаларнинг мавжуд тасниф турларини мазмунга асосланган, шаклга асосланган, мазмун ва шаклга асосланган кўринишларига бирлаштириш мумкин.

Таснифда шакл ҳақида гап кетганда, мазмунга таяниш, мазмун ҳақида гап кетганда, шаклга таяниш зарурлиги алоҳида таъкидланади. Шуниси борки, ҳар бир морфеманинг синхрон-шакл мазмун уйғунлигига асосланган парадигматик қиймати мавжуд бўлиб, бу қиймат инвариант бирлик сифатида синтагматикада муайян қирра ёки қирраларини намоён қилади. Ишда туркийшунослиқ ва ўзбек тилшунослигида қўлланилаётган таснифлар (ўзак ва қўшимчалар;

қўшимчаларнинг турлари...) га муносабат билдирилиб тилнинг морфем қурилиши бирликларини нисбатан кўп даражада қамраб олувчи янги функционал –семантик тасниф тавсия этилади. Барча мурфемалар дастлаб бош ҳамда ёрдамчи турларга ажратилади. Бош морфемлар туб “ўзак сўзлар”, ўзакларни қамраб олса, ёрдамчи морфемалар қўшимчалар ва қўшимчалар билан функционал-семантик тенглик ҳосил қилувчи қўмакчилар (билан, учун, сари), ёрдамчи феъллар (қўмакчи феъллар, тўлиқсиз феъллар, сўз ясовчи ва боғлама мавқеида келувчи қил, эт, айла кабилар), сифат ва равишдаги энг, жуда кўринишидаги бирликлар, аффиксоидлар, суперсегмент воситалар, субморф, квазиморф, суперморф кабилардан ташкил топган.

3 §. Ишда ўзак ва қўшимча, асосий морфема, етакчи морфема, тўлиқ маъноли морфема, ёрдамчи -ёрдамчи бўлмаган морфема каби атамадар киёсланиб, ўзак тушунчасининг икки ва кўп морфемали бирикувларга хосланиши зарурлиги таъкидланади. Ҳам туб сўз, ҳам ўзак мавқеидаги келадиган, сўз туркумлари таснифида, асосан, мустақил сўзларга мос келадиган бирликларга нисбатан бош морфема атамаси хосланади. Чунки бу атама, биринчидан, бош келишик, бош даража, бош гап, бош бўлак каби изчил атамалар қаторидан ўрин олса, иккинчидан, морфемика сатҳининг бир неча ўн минг микдордаги моддий-сублексем-маъно билдирувчи бирликлари мақомини яхши акс эттиради. Бош морфемалар билан бирикадиган, турли маънолар ифодаладиган бирликлар-ёрдамчи морфемалар ҳар иккала кўринишдаги бирликлар муайян тилнинг умумфункционал морфем шаклланиши индекси, “қиёфаси”ни белгилашга хизмат қилади.

Тадқиқотда бош морфемаларнинг турлари, улар ифодаладиган маъно-вазифа кўрсатилади. Чунончи, мазкур морфема ифодаладиган маънонинг луғавий маъно, сўз ясалиш маъносига муносабати тахлил этилади.

4§. Ёрдамчи морфемалар бош морфемалар микдорида кам бўлса-да, нутқда қўлланилиши жихатидан улардан устун туради. Улар орасида, айниқса, қўшимчаларга вазифадош бирликлар-қўмакчилар, юкламалар, ёрдамчи феъллар, сифат ва равишдаги даража кўрсаткичлари (энг, жуда) умумлашган морфем-грамматик маънолар ифодалайди.

Диссертацияда аналитик шаклларнинг феъл парадигмаларига ўринлашиши масаласи деярли эътирозга учрамаганлиги, мазкур шаклларга доир илмий ишларнинг асосий қисми /А.А.Юлдашев, Н.Оралбаева, А.П.Ҳожиевларнинг ишлари) феъл бўйича бажарилганлиги қайд этилиб, қўшимчаларга маъно-вазифа жихатидан тенг келувчи, улар билан қадимдан бир хил, ҳатто имтиёзли мавқега эга бўлган кўмакчиларнинг келишик категориясига тааллуқлилиги, бу категориянинг синтетик-аналитик характерга эгалиги асосланади.

Туркийшунос олимлар И.Гиганов, И.Хальфин, А.Троянский, Қ.Носирий, Б.А.Богородицкий, Ф.А.Ғаниев “от+айрим кўмакчилар” бирикмасида аналитик келишикни белгилайдилар. Ҳақиқатан ҳам, туркий тилларда келишик системасининг тараққиёти келишик кўрсаткичларининг миқдоран камайиши ва бунинг ўрнига келишик билдирадиган маъно ҳамда вазифанинг кўмакчиларга юкланиши билан характерланади.¹

З.М.Жирмунский предлоғли тизимлар айни бошқа тип аналитик шакллар мақомида туриши зарур деб ҳисоблайди. Чунки ана шу тизимлар: 1) ҳам маъно, ҳам вазифа жихатидан келишик шаклларига тенг келади; 2) улар келишиклар билан рақобатда бўлиб, баъзи ўринларда асосий ёки имтиёзли мавқени эгаллайди; 3) умумлашган маънолар ифодалаб, худди келишиклар каби синтактик алоқа кўрсаткичларига айланади.

Е.Курилович предлоғнинг келишикни бошқариши ҳақидаги фикрнинг асоссизлигини таъкидлаб, предлог ва келишик ўзаро ҳам маъно, ҳам вазифа жихатдан яхлит бир кўрсаткич (морфема) эканлигини, уларни ажратиб бўлмаслигини қайд этар экан, предлогга нисбатан субморфема атамасини қўллайди³.

-
1. Севортян Э.В. Категория падежа. //Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Ч. 2, М., 1956, с.61
 2. Жирмунский В.М. Об аналитических конструкциях. //Общее и германское языкознание. М., 1976, с.119.
 3. Курилович Е. Очерки по лингвистике, М., 1962, с.66-67.

Дунё тилларида келишик маъноси нафакат кўшимчалар ва предлоглар орқали, балки товуш алмашинуви (апафония: ҳозирги ирланд тили), оҳанг алмашинуви (кениядаги кипсигис тилида) орқали ҳам берилиши мумкин.

Қадимги туркий тил қатламидаёқ макон ва замон муносабатини аниқ ифодалаш эҳтиёжи кўмакчиларнинг ушбу категорияга тортилишини таъминлаган муҳим омилдир. Шуниси диққатга сазоворки, -га қадар /уйга қадар/ бирикувида -га шакли туташтирувчи (асемантик) воситага айланиб, қадар кўмакчиси билан бир форма таркибига бирлашади.

Ўзбек тилида ҳам билан кўмакчиси орқали ҳосил бўладиган восита-биргалик, учун кўмакчиси ёрдамида ҳосил бўладиган мақсад-сабаб, ўхшатиш-чоғиштириш (каби, сингари, янглиғ...), изоҳлов /хақида,, тўғрисида/, ўрин /устида, остида, бўйига/, сабаб /сабабли,орқасида/, жўналиш /остида, устида/, чиқиш /остидан, устидан/, келишкларини белгилаш тилнинг бирор восита орқали тегишли маъно-вазифани ифодалаш қонуниятига мос келади: чунки бирор маъно тил учун канчалик ахамиятли бўлса у (тил) ўзига қулай воситалар орқали ана шу маънони ифодалаш мақсадни амалга оширади (А.М.Пешковский).

“Морфем синтагматика масалалари” деб номланувчи учинчи бобда синтагматик муносабатларнинг моҳияти ва турлари, морфем синтагматика ва структур асимметрия, морфем синтагматика ва морфонологик шарт-шароитлар, морфемалар бирикиш жараёнида семантик ва асемантик воситалар муносабати таҳлил этилади.

Синтагматика ва парадигматика ялит бир ҳодиса-тил системасининг амал қилиш ва мавжудлигини белгиловчи турли қирралар, турли аспектлардир. Парадигматик фаолият бирликлари ижтимоий-коллектив амалиёт натижаси сифатида синтагматик фаолият орқали маълум андазаларда –тил бирликларининг эркин бирикуви асосида нутқ ашёларига айланади.

-
1. Серебренников Б.А., Гаджиева Н.З., Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. 1986, с.242
 2. Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма яеалиши. Тошкент 1979, 13-14 бет

Туркий тиллар, ўзбек тили морфем синтагматикасининг мураккаб табиати, функционал-семантик, морфонологик омилларнинг турли тармоқланиши ва уйғунлашуви, бу сатҳ учун ҳам кўп маънолилик, маънодошлик, шаклдошлик, плеоназм, синкретиклик ва маъноларнинг қоришиқлиги, кўп вазифалиликнинг табиийлиги, кўшма аффикслар, формантлар ва аналитик шаклларнинг амал қилиши, боғлиқ ва асемантик-функционал birlikларнинг тил қурилишида яшаб келаётганлиги, морфема товуш томонининг турли ўзгаришлари бу тилларда морфемалар бирикувини “механик елимлаш” тарзида тушунтирувчи анъанавий агглютинация талкинининг юзаки ва бир ёкламалигидан далолат беради.

Морфосинтагмалар, хусусан, композитли синтагмаларнинг “маълум синтагмани эслатиб туриши” (Ш.У.Раҳматуллаев), инсон онгида “муайян андазанинг маъно қиёфаси” (К.С.Кубрякова) яшаши ана шу синтагмалар доирасида: а) тобеланиш; б) тенгланиш муносабатини белгилашга имкон яратади. Ушбу муносабатнинг табиати ва унинг синтактик birlikлар билан изоморфизмини морфосинтаксис (Н.А. Баскаков) ўрганади.

Тенгланиш алоқаси туфайли бири иккинчисига тобе бўлмаган морфосинтагмалар; жуфт ва такрор шакл (ота-она, катта-кичик, тоғ-тоғ, тез-тез)лар ҳосил бўлади.

Асосий миқдорни тобеланиш алоқаси асосида шаклланган морфосинтагмалар (кўшимчали, шу жумладан, ноль морфемали синтагмалар, кўшма сўзлар, аналитик шакллар) ташкил қилади. Маъно тараққиёти, конверсия ва транспозиция усули билан ҳосил бўлган ясалмалар, суперсегмент воситалар орқали морфем материалда фарқнинг юзага келиши ҳам ўз изоҳига эга.

Туркийшуносликда юқорида қайд этилган синтагмаларнинг бир тури-аффиксли синтагма қисмлари орасидаги муносабат қуйидагича белгиланади:

1. Асосий ёки луғавий маънони ташийдиган қисм (бош аъзо, материал қисм) ҳамда грамматик маънони ташийдиган формал қисм (В.А.Богородицкий, А.Ғ.Ғуломов); лексик-сектор+грамматик сектор (Э.В.Севортян). Маъно типларидан луғавий маъно асосий, грамматик маъно ана шу маънога орттириладиган қўшимча, йўлдош маънодир.

2. Синтетик сўзда сўз ясовчи аффикс оладиган қисм лексик негиз, форма ясовчи аффикс оладиган қисм морфологик негиз, сўз ўзгартувчи аффикс оладиган қисм синтактик негиз дейилади. Ушбу синтагмаланиш доирасида ҳар бир негиз бир нечта бўлиши мумкин (С.Усмонов). Морфосинтагмада бинар-оппозитивлик туфайли ҳар доим икки қисм: сўз яшаш асоси+сўз ясовчи восита; форма ясовчи асос+форма ясовчи восита/ қўшма, жуфт, такрор сўзларда асос бир неча бўлиши мумкин/ белгиланади (А.П.Ҳожиёв).

3. Синтагматикада иерархик -интегрatív муносабатга кўра, бир конкретроқ маъно ифодаловчи қисмнинг нисбатан мавҳум маъно ифодаловчи қисм билан бириқиб, “аниқловчи-аниқланмиш” синтагмасини ҳосил қилиши (Н.А.Баскаков концепцияси). Бунда биринчи қисм иккинчи қисм маъно имкониятини актуаллаштирувчи, унинг семема таркибидаги маълум семани линияга чиқарувчи восита каби кўринади.

Фикримизча, тил системасидаги фаол парадигматик қаторлар асосида синтагма бирликлари валентлик хоссаларини ҳисобга олиб, тегишли парадигмалардаги таянч қисмларни бош аъзо, уларга бирикадиган шаклларни эргаш аъзо ҳукмида қараш тил эгалари онгида кечувчи жараёнларга мос келади. Ҳар иккала тип муносабат /ҳам тенгланиш, ҳам тобеланиш / ҳозирги тилдаги жонли, мунтазам алоқаларга асосланади. Синхрония ва диахрония орасида кескин узилиш бор деб қаралмаганлигидан, синтагма ташкил этувчилари орасида икки хил муносабатни белгилаш имкони мавжуд: 1) синтагма ташкил этувчилариаро кучли (нормал) алоқа; 2) синтагма ташкил этувчилариаро кучсиз (суст) алоқа.

Ҳозирги тилда фаол парадигматик андазаларда кўринувчи, маъно-вазифаси хиралашмаган бирликлар кучли синтагматик муносабатда бўлса, ана шундай мавқени йўқотган (маъно-вазифаси хиралашган) бирликларнинг “тақдири” синтагма таркибидаги иккинчи бирликка боғлиқ шартланган бўлиб қолади. Бунда бир томондан, боғлиқ ўзак /тирмала, эпла, эпчил, валентли, валентеиз бирикувларда тирма, эп, валент ўзаклари “сўз бўлиб кела олиш” хусусиятини йўқотганлар ҳосил бўлса, иккинчи томондан, боғлиқ қўшимчалар, қолдиқ шакллар юзага келади (билгум, кўргиси келди, дўнгса, каттакон бирикувларида -гу,-ги, -са, -кон ана шундай бирликлардир).

Тадқиқотда морфосинтагмаларни белгилашда диахрония ва синхрония муносабати, морфем бўлаккланиш принциплари, рамзлар шартлилигини таъминловчи ва чекловчи омиллар (семантик, фсрмал, услубий, луғавий, сўз ясалиши бўйича чеклаш), шаклларамо мослашув (думбоққина болакай, кичкина декча, ичи тўла михча каби синхрон ва диахрон мисоллар) ва нормадан чекиниш (ёруғлиқий, машинавий, агрегатавий... курсавий ва дипломий лойиҳалаш каби ҳолатлар) таҳлил этилади.

Алоҳида бўлимларда морфем синтагматикада номутаносиблик (асимметрия)нинг турлари, морфонологик шарт-шароитлар, семантик ва асемантик бирликлар муносабати кўрсатилади.

Диссертациянинг якунловчи қисми тадқиқот бўйича чиқарилган асосий хулосалардан иборат:

1. Тил морфем қурилишидаги парадигматик ва синтагматик муносабатлар мазкур сатҳга тегишли бирликлар амалиёти ва мавжудлигининг турли қирралари бўлиб, умумийлик ва хусусийлик, имконият ва унинг юзага чиқиши алоқадорлигини акс эттирадиган тушунчалардир.

2. Морфем парадигматика функционал-семантик майдон тушунчаси билан ҳам боғлиқ. Ҳар иккаласи ҳам бирликларнинг маълум тўдаси (класси) маъносида ишлатилади. Лекин парадигматика бир сатҳ доирасидаги бирликларни қамраб, сатҳлараро чегарани сақлайди. "Майдон" эса маълум сатҳ бирликлари ёнида бошқа сатҳ бирликларининг ҳам бўлишини тақозо этади, шу маънода у сатҳлараро чегарага риоя қилмайди.

3. Айниятлилиқ тил бирлигининг алоқа, фикр алмашув жараёнида кўп нусхаларда кўринишига қарамай, товуш ва маъно умумийлигини сақлаб қолиш қобилиятидир. Инвариант /умумлашма/ бирлик-морфем синтагматикада конкрет кўринишлар-алломорфлар орқали ўз хоссаларини намоён қилади. Нутқдаги муайян морфеманинг алломорфлари кўплаб нусхада, ё товуш ўзгаришларига учраган ҳолда амал қилади.

4. Морфеманинг мазмун сатҳи учун кўп маънолилиқ, маъно қоришиқлиги, синонимлик, кўп вазифалилик каби жиҳатлар хос. Шу билан бирга, унинг ифода сатҳида товуш ўзгаришлари ҳам бўлиб туради. Лекин бу хусусиятлар морфеманинг ўзига мувофиқлиги-айниятлилиги доирасида амал қилади. Ўзгариш ушбу доирадан чиқса, омонимия юз беради ва янги морфема, шунга яраша, янги айнитлилик ҳосил бўлади.

5. Морфелар таснифи ҳам тўда ҳосил қилиш қобилятини акс эттирадиган тушунча бўлганлиги учун, морфем парадигматиканинг бир қисми сифатида қаралади. Ўзбек тили морфемалари синтетик сўз доирасида ўзак ва қўшимчаларга бўлинади. Аммо бундай тасниф тил морфем таркибини тор доирада кўрсатади. Шунинг учун туб сўзлар (қўшимча олмайдиган сифат, сон, равиш, олмошлар), ўзаклар бир умумий ном-бош морфема деб аталса, тилнинг табиатига мос тушган бўлар эди. Қўшимчалар, уларга вазифадош бирликлар (қўмакчи, юклама, ёрдамчи феъллар, сифат, равишдаги энг, жуда типдаги бирликлар) ёрдамчи морфемалардир. Бундай бўлиниш ўзбек тилининг морфем қурилишидаги функционал ҳаракатларни тўғри тасвирлаш имконини беради.

6. Туркий, ўзбек тили морфемалари бир тусдаги, ёрлик мақомидаги бирликлар эмас. Бу бирликларнинг бирикув хусусияти синтагматикада яққол намоён бўлади. Синтагмалар тенгланиш (жуфт, такрор сўзларнинг ҳосил бўлиши) ва тобеланиш (аффиксли синтагмалар, қўшма сўзлар, аналитик формалар, ноль морфемали синтагмалар...) турларига бўлинади. Синтагмалар таркибидаги алоқа кучли ва кучсиз боғланиш тусидадир. Кучли синтагматик алоқада ташкил этувчиларнинг ҳар бири синхрон жиҳатдан фаол қўлланадиган бирликдир. Кучсиз синтагматик алоқа ташкил этувчиларидан бири ҳозирги тилда кам қўлланиладиган, маъно-вазифаси хиралашган бирликлардир.

7. Синтагматикада ташкил этувчиларнинг бирикувини чекловчи омиллар ҳам иш кўради. Булар: семантик, формал, услубий, луғавий, сўз ясалиши бўйича кўриладиган омиллардир. Агар услубий ва луғавий чеклаш нутқ (норма) табиати билан боғлиқ бўлса, қолган чеклашлар тилнинг систем табиатидан келиб чиқади.

8. Структур номутаносибликка кўра, тилнинг тарихий тараққиёти жараёнида бир морфема бир неча маъно ифодалаш қобилятига эга бўлади ёки бир неча морфем бирлик ўзаро яхлитланиб, қўшма аффикслар, аналитик ва синтетик формантлар ҳосил қилади.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни эълон қилинган қуйидаги ишларда ўз аксини топган:

А л о ҳ и д а н а ш р л а р:

1. Морфемика, сўз ясалиши, морфология (ўқув қўлланмаси) Ленинобод, 1988 (ҳамкорликда).
2. Ўзбек тили морфемикасининг асосий аспектлари ва уларнинг муносабати (ўқув қўлланмаси). Хўжанд, 1992.
3. Ўзбек тили морфемикасида парадигмадик ва синтагматик муносабатлар (монография), 1-китоб, Хўжанд, 1993.
4. Ўзбек тили морфемикасида парадигматик ва синтагматик муносабатлар (монография), 2-китоб Хўжанд, 1993.
5. Ўзбек тили морфемикасининг лингвистик асослари (ўқув қўлланмаси). Тошкент, “Ўқитувчи”, 1994 (нашрда).

И л м и й м а қ о л л а р:

6. Ўзбек тилида кучайтирувчи қўшимчаларнинг айрим хусусиятлари. Ленинобод, ДПИ Ёш олимлар анжумани материаллари. Ленинобод, 1982.

7. Морфологик қайта бўлиниш ҳақида. "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, 1985, 4-сон.
8. Қўшма аффикс ва унга ёндош ҳодисаларни билдирувчи терминлар ҳақида. ЎзФА соҳалараро терминология комитети Бюллетени, 1-2, Тошкент, 1986.
9. Сўз тузилишида семантик ва асемантик элементлар муносабати. "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, 1987, 2-сон.
10. Ўзбек тили морфемикасининг объекти ва бирликлари ҳақида. "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, 1989, 4 -сон.
11. Морфем вариантлилик ва тил ўқитишнинг айрим масалалари. "Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари" тўплами, Тошкент, 1990.
12. А.Навоий ва илми маонийнинг айрим масалалари. "Буюк аллома сабоқлари" тўплами, Хўжанд, 1991.
13. Узлуксиз таълим ва тилшунослик атамаларини тартибга келтиришнинг айрим масалалари. "Ўзбек тили доимий анжумани бцринчи йиғини" тезислари", Самарканд, 1991
14. Морфем семантика ва унинг ўзига хос хусусиятлари. "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, 1992, 1-сон.
15. Олий таълимда морфемалар таснифи масаласи. "Ўзбек тили доимий анжумани 2-йиғини тезислари", Қарши, 1993.
16. Морфем-морфологик парадигма ва унинг ўзига хос белгилари. "Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг долзарб муаммолари" тўплами, Хўжанд, 1993.
17. Морфемика ва функционал-семантик майдон. "Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари", 1-китоб, Хўжанд, 1993.
18. Морфемикада синтагматик муносабатлар. Юқоридаги тўплам.
19. Аналитик морфология/морфемика/нинг ўрганиш объекти ҳақида. "Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари", 2-китоб, Хўжанд, 1994.
20. Морфемаларнинг структур таснифи. "Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари, 3-китоб, Хўжанд, 1994.
21. Морфемаларнинг структур таснифи ҳақида. "Ўзбек тилшунослигининг масалалари", 4-китоб, Хўжанд, 1994.
22. Ўзбекистоннинг тил сиёсати ва нутқ маданияти. "Нутқ маданияти масалалари" ("Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари"га бағишланган республика III илмий анжумани тўплами), Тошкент, 1993.

РЕЗЮМЕ

научной работы Мирзакулова Турсунали Утаевича на тему “Проблемы морфемной парадигматики и синтагматики узбекского языка”, представленной на соисканий учебной степени доктора филологических наук

В настоящем исследовании впервые в узбекском языкознании на основе системно-структурного метода в монографическом плане определяются закономерности морфемной парадигматики и синтагматики. В качестве отправной точки принят принцип "морфема в системе языка", охватывающий такие принцип "морфема в составе слова", ввиду чего морфема трактуется нами как единица, имеющая статус одной из основных и центральных единиц языка.

В первой главе работы /"Общетеоретические проблемы морфемики"/ рассматриваются основные теоретические вопросы парадигматических и синтагматических отношений, принципы объединения ассоциативных единиц и способы их реализации, характер взаимодействия морфемных парадигм с морфемными функционально-семантическими полями.

В тюркологии, в том числе и в узбекском языкознании к объекту морфемики причисляются только корни и аффиксы. Нами в объект морфемики включены следующие единицы; 1/ корни и аффиксы ; 2/ "слова-корни", функционирующие способом примыкания; 3/ функционально-семантические эквиваленты аффиксов: послелогов, аффиксы-частицы, вспомогательные, модальные, недостаточные глаголы, глагольные строевые элементы кил, эт, айла, бўл, де, аффиксоиды; 4/ нулевые морфемы; 5/ морфемы-"хамелеоны". Вторая часть повторов чой-пой, нон-пон; 6/ суперсегментные средства, суперморфемы; 7/ редупкативные формы; 8/ субморфы; 9/ остаточные, уникальные единицы. Корни и аффиксы, "слова-корни", аналитические и нулевые формы составляют ядро морфемики, остальные единицы имеют статус периферийных единиц. Данные единицы, как материально-идеальные явления исследуются в морфосемасиологическом, морфонологическом, морфоморфологическом и морфсинтаксическом аспектах. Ввиду уровневой стратификации языка морфемное значение причисляется к ряду основных семантических единиц, таких как словообразовательное, лексическое, синтаксическое значение. В работе выявлены отличительные особенности данного значения от других значений языка.

В тюркологии в соответствии с традициями индоевропеистики предпочтение отдается синтетическим формам. Но в этих языках имеют большой вес и аналитические формы. Учет функционирования и взаимодействия указанных форм позволяет выделить в составе общей морфемики синтетическую и аналитическую морфемику.

Во второй главе /"Проблемы морфемной парадигматики"/ исследуются особенности морфемного тождества, соотношения морфемы и морфа, границы и объем варьирования формы и содержания морфемных единиц, вопросы

вариантности и инвариантности, «экземпляльности» и «эталонности» в кругу изучаемого явления. Утверждается, что морфемное тождество основывается на синхронном, относительно симметричном, соотношении формы и содержания, предполагающего как материальное, так и смысловое сходство или близость между вариантом и инвариантом.

В русле парадигматического объединения единиц нами предлагается новая классификация морфем, охватывающая прежнюю классификацию в виде корневых и аффиксальных форм. Все морфемы языка объединяются в два вида: бош морфемалар /основные, главные морфемы/ и ёрдамчи морфемалар/ служебные морфемы /. Главные морфемы состоят из корневых морфем и "слов-корней"; служебные морфемы охватывают аффиксальные морфемы и их функционально-семантические эквиваленты. Данная классификация позволяет наметить функционально-морфемную оформленность языка. В диссертации обоснована целесообразность введения новых понятий-терминов, очерчены контуры их употребления и охвата материала.

В специальном разделе анализируются свойства единиц, эквивалентных аффиксальным-морфемам. Отмечается, что аналитическое /или синтетико-аналитическое/ спряжение не вызывает особо резких возражений, нежели аналитическое склонение. Функционально-семантический подход дает возможность выделить и в узбекском языке аналитические падежи, так как большинство грамматических категорий тюркских языков представляет собой синтетико-аналитические категории.

В третьей главе /"Проблемы морфемной синтагматики"/ исследуются свойства морфемной синтагматики, критикуются воззрения традиционной теории агглютинации, которая преподносит морфосинтагмы как последовательность цепочек, не имеющих отношения бинарно-оппозитивности. Факты узбекского и других тюркских языков показывает односторонность и прямолинейность подобных утверждений. Несмотря на кажущуюся прозрачность отдельных морфосинтагм, морфемному строю этих языков присуща асимметричность знака, полисемии, полифункциональность, синкретичность и совмещение значений, сложные взаимодействия диахронных и синхронных явлений, что согласуется с законом гиперагглютинации В.В.Радлова, фузии А.Н.Кононова.

В соответствующих разделах анализируются характер синтагматических отношений, типы морфосинтагм, виды структурной асимметрии, действие морфонологических явлений, влияние этих явлений на семантику языка, соотношение семантических и асемантических элементов.

S u m m a r y

on the thesis for a Doctor's degree of Philology presented by Mirzakulov Tursunali Utaevich on the theme "The Problems of morpheme paradigmatics and syntagmatics of the Uzbek language".

The present research dedicated to the systematic-structural study of the Uzbek Language. It is the first monographical study in which the regularities of morpheme paradigmatics and syntagmatics are defined. The starting point of the research is the principle "morpheme in the system of a language", involving the principle "morpheme in the word composition". In accordance with this, the morpheme is treated as a unit having a status of one of the main and central units of a language.

The first chapter deals with the theoretical problems of paradigmatic and syntagmatic relations in general, the principles of uniting associative units and the ways of their realization, the character of interaction of morpheme paradigm with morpheme functional-semantic fields.

In the dissertation the distinctive peculiarities of this meaning from other meanings of a language have been revealed.

In Turkology following the traditions of indoeuropean languages preference is given to synthetic forms. But analytical forms are predominant in these languages. It is stressed that these peculiarities must be taken into consideration and it gives opportunity to reveal synthetic and analytical morphemes in the composition of common morphemes.

In the second chapter ("Problems of morpheme paradigmatics") the author researches the peculiarities of morpheme identity, the correlation of a morpheme and a morph, the bounds and volume of 1 form and meaning variation of morpheme units, issues of variation and in-variation, "copy" (duplicate) and "standardness" in the range of studied phenomena. It is stated that the morpheme identity is based on synchrony, on the relatively symmetrical correlation of a form and a meaning, which is assumed to be "both as material and semantic likeness or closeness of variation and in-variation."

In Turkology, in Uzbek linguistics only roots and affixes are related to the object of morphemics. In the present research the following units are included in the object of morphemics: 1) roots and affixes; 2) word-roots as a mode of adjoining; 3) functional-semantic equivalents of affixes; postpositions, affixes-particles, auxiliary, modal and defective verbs, verb building elements; *кил, эт, айла, бўл, де*, affixoids; 4) zero morphemes; 5) morpheme-"chameleons"; the second part of repetitions: *чай-пой* (tea and likewise), *хон-пон* (bread and likewise); 6) supermorphemes; 7) reduplicative forms; 8) submorph: 9) residual unique units. The roots and affixes, "word-roots", analytical and zero forms constitute the main body of morphemics, other units have a status of units in the outlying districts these units are researched in morphosemasiological, morphomorphological, morphonological, morphosyntactic aspects as a material-ideal phenomena. In view of the fact that the language has a levelled stratification the meaning of morpheme is related to the number of main syntactical units, such as word-building, lexical, syntactical ... meaning.

In the course of paradigmatic formation a new classification of morphemes is suggested in the research which includes the previous classification as a root and

affixes form. All the morphemes of the language are combined in two kinds: main morphemes consist of root morphemes and "word-roots"; morphemes consist of affixes and their functional-semantic equivalents. Their classification gives opportunity to outline the functional-semantic formation of the language. In the dissertation are given in fa-vour of the necessity of introducing new notions-terms into practice, the contour and scope of their usage are defined.

The peculiarities of the units which are equivalent of affixal morphemes are analysed in a special section. It is pointed out that analytical (or –synthetical-analytical) conjugation does not deserve any objection that analytical declension. Functional-semantic approach provides resources to mark out analytical in the Uzbek language too due to the fact that most of grammatical categories of Turkish languages represent synthetical-analytical categories.

The peculiarities of morpheme syntagmatics are related in the third chapter ("The Problems of morpheme syntagmatics") On the basis of impressive facts the author criticizes view of traditional theory of agglutination presenting morphosyntagm on secession of chains which has no relation opposition. The facts of Uzbek and other Turkish languages show one-sidedness and straightforwardness of such statements. Some morphosyntagms seem to be transparent. But the morpheme building of these languages is stated to have the characteristics of: asymmetry, it is a sign, polysemy, polyfunctionality, synchronicity, combination of meanings, complex interaction of diachronic and synchronic phenomena which co-ordinate with the law of hyperagglutination of V.V.Radlov and fusion of A.N.Kononov.

In the following section the author analyses the character of syntagmatic relations, types of morphosyntagms, kinds of structural asymmetry, action of morphological phenomena, influence of such phenomena on the semantics of a language, correlation of a semantic and nonsemantic elements.

